

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БМИни ҳимоя учун ДАКга
тавсия қиламан» факултет
декани _____
Т.Шарипов
«__» _____ 2012 йил

«Касб-хунар таълими» кафедраси
В 5140900 – «Касбий таълим (ижтимоий-иқтисодий соҳа)»
таълим йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: «Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик
бизнес» мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялардан
фойдаланиш.**

Бажарди: КТИ – 108 гуруҳ талабаси

Худаярова М.

Илмий раҳбар: «Касб-хунар таълими»
кафедраси доценти, и.ф.н.

Хамракулова О.Д

Малакавий иш муҳокама қилинди
ва ҳимояга рухсат берилди:
кафедра мудири, и.ф.д., профессор
_____ М.М.Муҳаммедов
«__» _____ 2012 йил

Самарқанд – 2012

МАВЗУ: Миллий иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнес мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Мундарижа

КИРИШ	3
I боб. Миллий иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг методологик муаммолари	
1.1. Миллий иқтисодий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ўрни, моҳияти ва белгилари.....	5
1.2. Ўзбекистон иқтисодий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг шакллари ва устувор йўналишлари.....	16
II боб. Таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти	
2.1. Таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг назарий асослари ва туганган ўрни	24
2.2. Ҳозирги даврда янги педагогик технологияларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги роли, уларга қўйилган талаблар ва уларни амалга тадбиқ этиш тамойиллари.....	34
III боб. “Миллий иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнес” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш	
3.1. “Миллий иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнес” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялар қўллаш.....	44
3.2. Тадбиркорлик ва кичик бизнесни жорий этишда хавфсизлик муаммолари.....	57
ХУЛОСА	60
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	63
ИЛОВА	65

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Миллий иқтисодиётимизда бугунги кунда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг тутгун ўрни ва салмоғи ҳеч кимга сир эмас. Иқтисодий ислоҳотлар қаторида, бу соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг изчил амалга оширилиши аҳоли бандлигининг таъминланиши, кучли рақобат муҳитининг шаклланиши, рақобат кураши натижасида бозорларимиз турли-туман сифатли товарлар билан тўлиши ва, айниқса, аҳолидаги ижодий ташаббускорлик, ишбилармонлик руҳини номойиш қилишга имкон тўғдирмоқда. Айниқса, бу соҳага ёшларни жалб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган ёшлар бу соҳа бўйича чуқур назарий билимларни, бой амалий тажрибага эга бўлиш сирларини, соҳанинг ўз қонун-қоидаларини мукамал ўрганиб чиқишлари лозим. Талаба ўқувчиларда тадбиркорлик ва кичик бизнес бўйича билимларни, тадбиркорлик учун зарур бўлган қобилиятларни шакллантириш қаторида чуқур илмий асосли, кенг ҳажмли маълумотлар манбаини беришда жаҳон тажрибасига таянган ҳолда ҳамда 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да белгиланган устувор вазифалардан бири ҳисобланган янги педагогик технологиялардан фойдаланиш айтилган мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва таълим тизимини боғлашга оид ислоҳотлар кечаётган бир даврда кўзланган мақсадларнинг муқаррар ижобий самараси ҳисобланади. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар, янги методларни қўллашнинг ўқувчи ёшларда нафақат билим ва кўникмаларни шакллантиришдаги ҳиссаси, балки уларнинг кейинги иш фаолиятлари зарур бўлган кенг ва теран фикрлаш, танқидий мушоҳада, чуқур мулоҳаза, кучли хотира, ўз жамоасини етаклай олиш, жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб боришга ўрганиш, уларни ҳимоя қила олиш, ижодий фикр юритиш, ўз фикрларини ҳимоя қила олиш, мантиқий дунёқараш, ўз қарашларини эркин ва очиқ баён эта олиш, фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ва узоқни кўра олиш, янгиликларга интилувчанлик, изланувчанлик руҳи ва бошқаларни ҳам ундаш каби хислатларни шакллантиришдаги ҳиссаси беқиёс аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади: Таълим жараёнида иқтисодий моҳият касб этган тадбиркорлик ва кичик бизнесни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлаш, таълим тизимига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг назарий, амалий ва методик жиҳатларини ўрганишдир. Ушбу тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Мавзуимга боғлиқ бўлган барча адабиётларни ўрганиб чиқиш;
- Таълим тизимига жорий этилаётган барча замонавий технологияларни таҳлил этиш ва тизимлаштириш;
- Янги педагогик технологияларнинг амалий методик жиҳатларини тадқиқ этиш;

- Янги педагогик технологиялар ва уларни таълим ва тарбия жараёнидаги ўрнини аниқлаш.

Тадқиқот объекти: Самарқанд банк коллежининг таълим жараёни.

Тадқиқот предмети: Касб-ҳунар коллеж ва академик лицейларга янги педагогик технологияларни жорий этиш, янги педагогик технологияларнинг амалий ва методик жиҳатларини кўрсатиб бериш.

Асосий ишчи илмий тахмин: Таълим тизимида махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаб, қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги билимларни ўқувчиларга етказиб бериш дарс жараёнини қизиқарли ва мазмунли ташкил этиш ва дарснинг самарадорлигини оширишни кўзда тутади деган тахминга келинди.

Тадқиқотнинг илмий-назарий асоси: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуни тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси сифатида олинди. Аниқ вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий, педагогик адабиётлардан ва янги педагогик технологиялар моҳиятини ёритиб берган педагогик адабиётлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти: Тадқиқот материаллари янги педагогик технологияларни жорий этиш бўйича маъруза матни тайёрлашда ҳамда академик лицей ва коллежларда методик амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

I боб. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг методологик муаммолари

1.1. Миллий иқтисодиётда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ўрни, моҳияти ва белгилари

Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳномолигида миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган бешта тамойилни ўз ичига олувчи “ўзбек модели” ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши бугунги кунда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда. Шу жиҳатдан ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, шу асосда Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида муҳим ва истиқболли йўналишларни амалга ошириш яқин йилларда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — бу тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини ривожлантириш асосида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини кескин ошириш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда миллий фаровонликни таъминлашдан иборатдир. Чунки йирик ишлаб чиқариш объектлариги қараганда кам сармоя талаб қиладиган ҳамда турли ўзгаришларга мойил бўлган тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари маҳсулот турларини янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва шу билан бирга, бозор конъюнктурасининг беқарор ҳамда вақти-вақти билан такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлари шароитига тез мослашувчандир. Ўзбекистон шароитида бундай тебранишларга мустаҳкам ройдевор яратиш олишда қабул қилинган “ўзбек модели” ҳамда унинг бешинчи тамойили яъни бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда бу соҳа яъни тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг тутган ўрни ғоят каттадир ҳамда кўзланган мақсадларга эришиш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Дастлабки йиллардан оқ кичик ва хусусий корхоналар ташкил қилишга катта аҳамият берилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «... қишлоқ жойларида ихчам ишдаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмоқдамиз»¹.

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси 2012 йилда 2 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 3-моддасида қуйидаги таҳрирда баён

1. И.А.Каримов. асосий вазифамиз – ватанамиз таракқиети ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. / Халқ сўзи. 2010 й. 29 январь.

этилади: «Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир». Кичик тадбиркорлик фаолияти (кичик тадбиркорлик) – кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият. Тадбиркорлик фаолияти – бу таҳликага борувчи фаолиятдир. Тадбиркорликнинг ривожланиши, ўз навбатида, бир қатор шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади, Улар асосида умуман товар ишлаб чиқаришнинг умумий ижтимоий – иқтисодий шарт-шароитлари ётади:

Биринчидан, тадбиркор хўжалик юритишда унинг субъектларида хўжалик юритишнинг у ёки бу турини танлаш бўйича, ишлаб чиқариш дастурини шакллантириши, мослаштириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, маҳсулот сотиш, уларга баҳо белгилаш, фойдани тасарруф қилиш ва шу кабилар бўйича маълум ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Иккинчидан, тадбиркор ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши керак. Тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, унинг мол-мулки асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Учинчидан, хўжалик юритиш йўлини эркин танлаш, даромадни инвестициялаш имконияти ва шу кабиларни реал таъминлайдиган маълум иқтисодий муҳит ва ижтимоий сиёсий шароит яратиши зарур.

Тўртинчидан, эркин тадбиркорлик, мулкчилик ва ўзлаштиришнинг турли-туман шакллари ва турларини тақозо қилади. ўз навбатида турли-туманлиликнинг ўзи объектив ходиса бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши оқибати сифатида майдонга чиқади.

Етарли молиявий манбаларга, яхши маълумот ва малакали тайёргарликка эга булиш, умумий тижорат қонунчилиги, солиқ буйича имтиёзлар, тадбиркорлик муҳити ва уни ривожлантиришда жамият манфаатдорлигининг мавжуд булиши тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги шарт-шароитлари ҳисобланади.

Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиш уни тарихан шаклланиш босқичларини аниқлаш масаласини ҳал қилишни тақозо қилади. Ушбу масалани ечишга Ўзбекистонлик бир гуруҳ олимлар ўз фикрларини билдиришган. Улар «Тадбиркорликни тараққий этиш нуқтаи назардан: ривожланган, ривожланаётган ва ривожланмаган тадбиркорликка бўлишимиз мумкин. Ўтиш учун ривожланаётган тадбиркорлик хос бўлса, тараққий этган давлатларга ривожланган тадбиркорлик хосдир. Айрим мамлакатлар тараққиёти даражасидан келиб чиққан ҳолда шуни

айтишимиз мумкинки, уларда ривожланмаган тадбиркорлик ҳам мавжуддир»¹ – деб таъкидлашиб, тадбиркорликнинг ривожланишини уч даврга ва унинг учинчи даврини 1,2 ва 3-4 (ушбу босқичлар бирлаштирилган) босқичларга бўлишни тавсия қилган.

Тадбиркорликни шаклланиши, уни тармоқларга бўлиниши инсоният жамияти ривожланишининг XVII-XVIII асрларга тўғри келади. XX асрнинг бошларида бутун дунёда тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш тенденциялари кузатила бошлади ва XX асрга келиб тадбиркорлик фаолиятини юксалиш даври деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш давлари қуйидагича тақсимланса, тарихий ва илмий-назарий жиҳатдан ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

1-давр. XVII аср ва XVIII асрнинг бошлари давомида тадбиркорлик фаолиятини вужудга келиши, тармоқларга тақсимланиши ва шаклланиш босқичи деб ҳисоблаш мумкин.

«2-давр. 1917 йилдан 1991 йилгача бўлган давр. Тадбиркорлик ва ташаббускорликка аҳамият берилмаган, агар режада кўзда тутилган бўлмаса, юзага чиқмайдиган, хусусий мулк инкор қилинган даврдир.

3-давр. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги 1991-2010 йилларни қамраб олган давр. Бу даврнинг хусусиятли томони иқтисодиётда танглик ҳолати ҳукм суриши, иқтисодиётни эркинлаштириш ва барқарорлаштириш бош вазифа қилиб белгиланиши, давлат томонидан уни амалга оширишнинг махсус механизми яратилиши, мулкни хусусийлаштириш ва унинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифа қилиб белгиланиши билан тавсифланади. Ушбу даврни тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилган давр сифатида баҳолаш мумкин»².

Мазкур даврни шартли равишда тўрт босқичга бўлиб тадқиқ қилиш лозим деган ҳулосага келинди:

1-босқич 1991-2000 йилларни ўз ичига олади. Бу Ўзбекистоннинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий мустақилликка эришган даври бўлди. Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

¹ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Ўқув қўлланма, муаллифлар жамоаси. Тошкент – «Фан ва технологиялар»-2005. 9-11 бет.


² Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Ўқув қўлланма, муаллифлар жамоаси. Тошкент – «Фан ва технологиялар»-2005. 10-11 бет

2-босқич 2001-2006 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалда шаклланди. Уларнинг муваффақиятли ривожланиши учун шароит яратилди. Давлат томонидан тегишли ёрдам кўрсатилиб, имтиёзлар берилди.

3-босқич 2007-2010 йилларни ўз ичига олади. Бу босқич 2008 йил август ойида АҚШ Ипотека банки инқирози сабабли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланиши, Ўзбекистонда инқироз шароитида тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши рўй бериши билан изоҳланади.

4-босқич 2011 йилдан бошланади. Мазкур йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан узоқ муддатга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастури қабул қилинди. Шунга асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ва туманларида ушбу соҳани ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятида бундай шарт-шароитлар бўлиши билан биргаликда бир қанча муҳим белгиларнинг мавжудлиги ҳам унинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилади:



“Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳудудий ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва

жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва уни тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз.”¹, деб таъкидлаган эди юртбошимиз ўзининг Конституциямизнинг ўн саккиз йиллигига бағишланган маърузасида. Албатта, дунёда иқтисодий ривожлантиришнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Лекин улар орасида энг самаралиси ва мақбули, бу — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақи учун кенг йўл очиб беришдир.

Кичик бизнесни ривожлантириш натижасида иқтисодийда қуйидаги афзалликларга эришилади:

- ишлаб чиқариш омиллари самарали тақсимланади;
- янги иш ўринлари вужудга келади;
- аҳоли даромади ортади;
- рақобат ривожланади;

Камчилигини эса:

- кичик бизнесга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи инвестициядаги улушининг камлиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши;
- капиталинтенсивлик даражасининг кичиклиги, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигининг пастлиги билан фаолиятдан олинадиган даромаднинг кам бўлиши;
- юқори даражада меҳнат омилини жалб этганлигига қарамасдан, инвестициявий жозибадорлиги, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этиш даражаси пастлиги кабиларда кўриш мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бошлаб, кириб келаётган хар қайси янги йилга ном бериш, шундан келиб чиққан холда алоҳида Давлат дастури қабул қилиш ва белгилаб олинган вазифаларни изчил амалга ошириш узига хос анъанага айланган. Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб утказилган тантанали маросимда Юртбошимиз 2011 йилни мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилишни таклиф этдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган ПК-1474-сонли Қарорига мувофиқ «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастури тасдиқланди. Мазкур дастурда жорий йилда уз ичига олган жами 115 та чора-тадбир ҳамда вазифаларни амалга ошириш белгилаб куйилган. Шу жумладан, «Кичик бизнес ва хусусий

¹ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 2010 йил. 8 декабр. №236(5151) 3бет.

тадбиркорлик йили» давлат Дастурида кичик бизнеснинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш соҳасида биргина 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида «Хусусий мулкни химоялаш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тугрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш шарт-шароитлари тугрисида», «Оилавий тадбиркорлик тугрисида»ги янги қонун лойиҳаларини, шунингдек, «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тугрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ҳамда «Солиқ кодекси»га, «Айрим фаолият турларини лицензиялаш тугрисида»ги Қонунларга узгартириш ва қушимчаларни киритиш юзасидан тегишди қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни қупайтиришга оид қушимча чора-тадбирлар тугрисида»ги 2011 йил 11 мартдаги ПК-1501-сонди Қарори билан белгиланган тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш жамғармалари маблағлари асосан олис ва етиб бориш қийин бўлган туманлар, шунингдек, меҳнат ресурслари керагидан ортиқ бўлган туманлар ҳамда шаҳарлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, дехқон ҳамда фермер хужалиқларида юқори технологик ва инновацион лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратилиш масаласи алоҳида диққатга созордир.

Иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари юқори кўрсаткичларни акс эттираётган бўлса (1-жадвал), бунда кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳиссаси ошиб бормоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичлари (2005-2012й)¹

1-жадвал

Йиллар	ЯИМ
2005	7,0%
2008	9%
2009	8,1%
2010	8,5%
2011	8,2%
2012	8,3% мўлжалланмоқда


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари республикамизда сон жиҳатдан ўсиб бориши билан бир қаторда унинг умум ишлаб чиқариш борасида ҳам ҳиссаси йил сайин ошиб бормоқда. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йил 30 % ни ташкил қилган бўлса, 2007 йилдаги 45,5 фоизни, 2008 йилда 48,2 фоизни, 2009 йили 50,1

1. www.stat.uz

фоизни, 2010 йили 52,5 фозни, жорий йил яъни 2011 йили эса 54 фоизни ташкил этганлиги (1-диаграмма) диққатга созовордир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши (% да)¹


1-Диаграмма



Республикада хозирги кунда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда (2-диаграмма):

Аҳоли бандлигининг кичик бизнес ва тадбиркорлик бўйича кўрсаткичлари²

2-диаграмма



Шу сабабли ва кўпгина ривожланган мамлакатлар иқтисодий инқирозга учраб турган ҳозирги пайтда бу инқирозга қарши республикада чоратадбирлар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган, шунингдек, берилган имтиёزلарнинг амал қилиш

1. Бозор, Пул ва Кредит/ 01(176) 2012. 44 бет

2. И.А.Каримовнинг 2009, 2010, 2011 йиллар якунларига бағишланган маърузаларидан. Халқ сўзи газетаси. 2010й. 8декабр, 2011й. 8декабр, 2011й. 22январь, 2012й. 20январь

муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз халқини иш билан таъминлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ролига катта баҳо бериб, "... кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолади. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради"¹ –деб таъкидлаган эдилар. Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланган “2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”га биноан 2012 йилда 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингтасини қишлоқ жойларда ташкил этиш назарда тутилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўрилган чоралар натижасида тадбиркорлар сафи кенгайди, янги иш ўринлари ташкил этилди, тадбиркорлик субъектларини текширишлар қисқарди, бир неча рухсат бериш турлари олиб ташланди, тадбиркорлар билан давлат идоралари, назорат органлари ва тижорат банклари ўртасидаги муносабатларда ҳар қандай тушунмовчиликлар тадбиркорлар фойдасига ҳал бўлиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган “2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”га асосан 2011 йилда бир миллионга яқин янги иш ўрни ташкил этилди, шундан 68 фоизи қишлоқ жойларда яратилди. Янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёзлар ва переференцилар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди. Буларнинг барчаси албатта жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини бўлмиш оилалар даромад манбаининг кўпайишига, аҳоли турмуш фаровонлиги ва эртанги кунга ишончи ошишига мустаҳкам замин сифатида хизмат қилади (2-жадвал).

Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес

1. И.А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози , Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари. Тошкент — «Ўзбекистон» — 2009. 46 бет

субъектларининг улуши¹

2-жадвал

Кўрсаткичлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари, минг киши	661	940,5	950	1000
шу жумладан:				
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда, минг киши	374,3	391,8	600	640
Фоиш ҳисобида	57,0	41,7	65	64
Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиш ҳисобида	72,7	74,2	74,3	74,8

Мазкур соҳани кўллаб-қувватламай туриб, иқтисодий ўсишга эришган, ишсизлик муаммосини ижобий ҳал қилган, аҳоли даромадлари ва форовонлигини оширишга муваффақ бўлган бирор бир давлат йўқ. Бу соҳа ихчам ва иқтисодиётга тез мослашувчанлиги билан ўз ўрнига эга. Қайси бир тараққий этган мамлакат тажрибасига эътибор қаратманг, айнан тадбиркорлик соҳаси ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганига гувоҳ бўламиз. Ҳар қандай бозор тизимида иш билан бандлик муаммосини ҳал қилишда кичик бизнес имкониятлари алоҳида эътиборга лойиқ. Саноати ривожланган мамлакатларда унинг ҳиссасига барча иш билан банд бўлган ишловчиларнинг 60-70 фоизи ва янги иш ўринларининг 70-80 фоизи тўғри келади. Масалан, ҳозир Германия, Финляндия, Норвегия, Швеция сингари аксарият давлатларида мавжуд иш ўринларининг қарийб 70 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 50 фоиздан ортиқни ташкил этаётгани маълум. Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа мамлакатларда ҳам кичик бизнес етакчи ўринга кўтарилган. Биргина Хитойни оладиган бўлсак, ушбу давлат бугунги кунда нафақат китъамизда, балки жаҳонда ҳам юксак салоҳиятга эгадир. Бу ерда экспорт ҳажмининг қарийб 60 фоизи кичик бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келаётгани соҳанинг мавқеини яққол кўрсатиб беради. Республикада кўрилаётган тадбирлар натижасида яратилаётган иш ўринларининг кичик бизнес ва тадбиркорлик бўйича кўрсаткичлари 60 фоиздан юқори кўрсаткичларни, жами иш билан банд


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРАДИГАН ЙИЛ БўЛАДИ” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент – 2012. 223 бет

бўлганларнинг эса 70 фоизи шу соҳага тегишли кўрсаткичларни акс эттирмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ажратилаётган кредитлар миқдорида йилдан-йилга ўсиш суръатлари кузатилмоқда, яъни бу борадаги кўрсаткичлар 2001 йил 171,5 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга бориб 4410,0 млрд сўмни ташкил этди. Бу эса 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар усган. (3-диаграмма). Ушбу кредитлардан 25,6 млрд суми касб-хунар коллеж битирувчиларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йуналтирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд сўм¹


3-диаграмма



Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкининг янада камайтирилиши, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромадлар солиғи ставкаларининг камайтирилиши кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тулови ставкасида эса янада имтиёзлар берилмоқда, 1996 ва 2011 йиллар давомида ягона солиқ ставкаси 38% дан 6% гача туширилиши бу соҳани ривожлантириш изчил давом этаётганидан далолатдир, 2012 йил ҳисобидан эса 5% га туширилиши мўлжалланмоқда (4-диаграмма):

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари(1996-2012й)¹

4-диаграмма



Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда ҳам ўз аҳамиятига эга бўлмоқда. Бунда республикамиз иқтисодиёти учун янги бўлган бозор муносабатларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўрсатадиган таъсир даражасини тўлароқ ҳисобга олиш ва шу асосда мақсадли йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш имкони юзага келади.

Доимий даромад — иқтисодий барқарорлик ва фаровон турмуш кафолатидар. Тадбиркорлик ва кичик бизнес эса юртдошларимизга ана шундай имконият яратиб бермоқда.

1. Бозор, Пул ва Кредит/ 01(176) 2012. 44 бет

1.2. Миллий иқтисодиётда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ўрни, моҳияти ва белгилари

Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳномолигида миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган бешта тамойилни ўз ичига олувчи “ўзбек модели” ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши бугунги кунда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда. Шу жиҳатдан ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, шу асосда Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида муҳим ва истиқболли йўналишларни амалга ошириш яқин йилларда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — бу тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини ривожлантириш асосида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини кескин ошириш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда миллий фаровонликни таъминлашдан иборатдир. Чунки йирик ишлаб чиқариш объектлариги қараганда кам сармоя талаб қиладиган ҳамда турли ўзгаришларга мойил бўлган тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари маҳсулот турларини янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва шу билан бирга, бозор конъюнктурасининг беқарор ҳамда вақти-вақти билан такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлари шароитига тез мослашувчандир. Ўзбекистон шароитида бундай тебранишларга мустаҳкам ройдевор яратиш олишда қабул қилинган “ўзбек модели” ҳамда унинг бешинчи тамойили яъни бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда бу соҳа яъни тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг тутган ўрни ғоят каттадир ҳамда кўзланган мақсадларга эришиш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Дастлабки йиллардан кичик ва хусусий корхоналар ташкил қилишга катта аҳамият берилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «... қишлоқ жойларида ихчам ишдаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмоқдамиз»¹.

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси 2012 йилда 2 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 3-моддасида қуйидаги таҳрирда баён

1. И.А.Каримов. асосий вазифамиз – ватанамиз таракқиети ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. / Халқ сўзи. 2010 й. 29 январь.

этилади: «Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир». Кичик тадбиркорлик фаолияти (кичик тадбиркорлик) – кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият. Тадбиркорлик фаолияти – бу таҳликага борувчи фаолиятдир. Тадбиркорликнинг ривожланиши, ўз навбатида, бир қатор шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади, Улар асосида умуман товар ишлаб чиқаришнинг умумий ижтимоий – иқтисодий шарт-шароитлари ётади:

Биринчидан, тадбиркор хўжалик юритишда унинг субъектларида хўжалик юритишнинг у ёки бу турини танлаш бўйича, ишлаб чиқариш дастурини шакллантириши, мослаштириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, маҳсулот сотиш, уларга баҳо белгилаш, фойдани тасарруф қилиш ва шу кабилар бўйича маълум ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Иккинчидан, тадбиркор ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши керак. Тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, унинг мол-мулки асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Учинчидан, хўжалик юритиш йўлини эркин танлаш, даромадни инвестициялаш имконияти ва шу кабиларни реал таъминлайдиган маълум иқтисодий муҳит ва ижтимоий сиёсий шароит яратиши зарур.

Тўртинчидан, эркин тадбиркорлик, мулкчилик ва ўзлаштиришнинг турли-туман шакллари ва турларини тақозо қилади. ўз навбатида турли-туманлиликнинг ўзи объектив ходиса бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши оқибати сифатида майдонга чиқади.

Етарли молиявий манбаларга, яхши маълумот ва малакали тайёргарликка эга булиш, умумий тижорат қонунчилиги, солиқ буйича имтиёзлар, тадбиркорлик муҳити ва уни ривожлантиришда жамият манфаатдорлигининг мавжуд булиши тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги шарт-шароитлари ҳисобланади.

Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиш уни тарихан шаклланиш босқичларини аниқлаш масаласини ҳал қилишни тақозо қилади. Ушбу масалани ечишга Ўзбекистонлик бир гуруҳ олимлар ўз фикрларини билдиришган. Улар «Тадбиркорликни тараққий этиш нуқтаи назардан: ривожланган, ривожланаётган ва ривожланмаган тадбиркорликка бўлишимиз мумкин. Ўтиш учун ривожланаётган тадбиркорлик хос бўлса, тараққий этган давлатларга ривожланган тадбиркорлик хосдир. Айрим мамлакатлар тараққиёти даражасидан келиб чиққан ҳолда шуни

айтишимиз мумкинки, уларда ривожланмаган тадбиркорлик ҳам мавжуддир»¹ – деб таъкидлашиб, тадбиркорликнинг ривожланишини уч даврга ва унинг учинчи даврини 1,2 ва 3-4 (ушбу босқичлар бирлаштирилган) босқичларга бўлишни тавсия қилган.

Тадбиркорликни шаклланиши, уни тармоқларга бўлиниши инсоният жамияти ривожланишининг XVII-XVIII асрларга тўғри келади. XX асрнинг бошларида бутун дунёда тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш тенденциялари кузатила бошлади ва XX асрга келиб тадбиркорлик фаолиятини юксалиш даври деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш давлари қуйидагича тақсимланса, тарихий ва илмий-назарий жиҳатдан ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

1-давр. XVII аср ва XVIII асрнинг бошлари давомида тадбиркорлик фаолиятини вужудга келиши, тармоқларга тақсимланиши ва шаклланиш босқичи деб ҳисоблаш мумкин.

«2-давр. 1917 йилдан 1991 йилгача бўлган давр. Тадбиркорлик ва ташаббускорликка аҳамият берилмаган, агар режада кўзда тутилган бўлмаса, юзага чиқмайдиган, хусусий мулк инкор қилинган даврдир.

3-давр. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги 1991-2010 йилларни қамраб олган давр. Бу даврнинг хусусиятли томони иқтисодиётда танглик ҳолати ҳукм суриши, иқтисодиётни эркинлаштириш ва барқарорлаштириш бош вазифа қилиб белгиланиши, давлат томонидан уни амалга оширишнинг махсус механизми яратилиши, мулкни хусусийлаштириш ва унинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифа қилиб белгиланиши билан тавсифланади. Ушбу даврни тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилган давр сифатида баҳолаш мумкин»².

Мазкур даврни шартли равишда тўрт босқичга бўлиб тадқиқ қилиш лозим деган ҳулосага келинди:

1-босқич 1991-2000 йилларни ўз ичига олади. Бу Ўзбекистоннинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий мустақилликка эришган даври бўлди. Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

¹ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Ўқув қўлланма, муаллифлар жамоаси. Тошкент – «Фан ва технологиялар»-2005. 9-11 бет.


² Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Ўқув қўлланма, муаллифлар жамоаси. Тошкент – «Фан ва технологиялар»-2005. 10-11 бет

2-босқич 2001-2006 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалда шаклланди. Уларнинг муваффақиятли ривожланиши учун шароит яратилди. Давлат томонидан тегишли ёрдам кўрсатилиб, имтиёзлар берилди.

3-босқич 2007-2010 йилларни ўз ичига олади. Бу босқич 2008 йил август ойида АҚШ Ипотека банки инқирози сабабли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланиши, Ўзбекистонда инқироз шароитида тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши рўй бериши билан изоҳланади.

4-босқич 2011 йилдан бошланади. Мазкур йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан узоқ муддатга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастури қабул қилинди. Шунга асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ва туманларида ушбу соҳани ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятида бундай шарт-шароитлар бўлиши билан биргаликда бир қанча муҳим белгиларнинг мавжудлиги ҳам унинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилади:



“Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва уни тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз.”¹, деб таъкидлаган эди юртбошимиз ўзининг Конституциямизнинг ўн саккиз йиллигига бағишланган маърузасида. Албатта, дунёда иқтисодий ривожлантиришнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Лекин улар орасида энг самаралиси ва мақбули, бу — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақи учун кенг йўл очиб беришдир.

Кичик бизнесни ривожлантириш натижасида иқтисодийда қуйидаги афзалликларга эришилади:

- ишлаб чиқариш омиллари самарали тақсимланади;
- янги иш ўринлари вужудга келади;
- аҳоли даромади ортади;
- рақобат ривожланади;

Камчилигини эса:

- кичик бизнесга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи инвестициядаги улушининг камлиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши;
- капиталинтенсивлик даражасининг кичиклиги, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигининг пастлиги билан фаолиятдан олинмайдиган даромаднинг кам бўлиши;
- юқори даражада меҳнат омилини жалб этганлигига қарамасдан, инвестициявий жозибдорлиги, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этиш даражаси пастлиги кабиларда кўриш мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бошлаб, кириб келаётган хар қайси янги йилга ном бериш, шундан келиб чиққан холда алоҳида Давлат дастури қабул қилиш ва белгилаб олинган вазифаларни изчил амалга ошириш узига хос анъанага айланган. Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб утказилган тантанали маросимда Юртбошимиз 2011 йилни мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилишни таклиф этдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган ПК-1474-сонли Қарорига мувофиқ «Кичик бизнес

¹ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 2010 йил. 8 декабр. №236(5151) 3бет.

ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастури тасдикланди. Мазкур дастурда жорий йилда уз ичига олган жами 115 та чора-тадбир ҳамда вазифаларни амалга ошириш белгилаб куйилган. Шу жумладан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастурида кичик бизнеснинг ҳукукий асосларини янада такомиллаштириш соҳасида биргина 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида «Хусусий мулкни химоялаш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тугрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш шарт-шароитлари тугрисида», «Оилавий тадбиркорлик тугрисида»ги янги конун лойиҳаларини, шунингдек, «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тугрисида»ги Конуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ҳамда «Солик кодекси»га, «Айрим фаолият турларини лицензиялаш тугрисида»ги Конунларга узгартириш ва қушимчаларни киритиш юзасидан тегишди конун лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни қупайтиришга оид қушимча чора-тадбирлар тугрисида»ги 2011 йил 11 мартдаги ПК-1501-сонди Қарори билан белгиланган тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш жамғармалари маблағлари асосан олис ва етиб бориш қийин булган туманлар, шунингдек, меҳнат ресурслари керагидан ортик булган туманлар ҳамда шаҳарлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ҳамда фермер хужалиқларида юқори технологик ва инновацион лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратилиш масаласи алоҳида диққатга созовордир.

Иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари юқори кўрсаткичларни акс эттираётган бўлса (1-жадвал), бунда кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳиссаси ошиб бормоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичлари (2005-2012й)¹

1-жадвал

Йиллар	ЯИМ
2005	7,0%
2008	9%
2009	8,1%
2010	8,5%
2011	8,2%
2012	8,3% мўлжалланмоқда


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари республикада сон жиҳатдан ўсиб бориши билан бир қаторда унинг умум ишлаб чиқариш

1. www.stat.uz

борасида ҳам ҳиссаси йил сайин ошиб бормоқда. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йил 30 % ни ташкил қилган бўлса, 2007 йилдаги 45,5 фоизни, 2008 йилда 48,2 фоизни, 2009 йили 50,1 фоизни, 2010 йили 52,5 фозни, жорий йил яъни 2011 йили эса 54 фоизни ташкил этганлиги (1-диаграмма) диққатга созовордир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши (% да)¹


1-Диаграмма



Республикада ҳозирги кунда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда (2-диаграмма):

Аҳоли бандлигининг кичик бизнес ва тадбиркорлик бўйича кўрсаткичлари²

2-диаграмма



Шу сабабли ва кўпгина ривожланган мамлакатлар иқтисодий инқирозга учраб турган ҳозирги пайтда бу инқирозга қарши республикада чора-

1. Бозор, Пул ва Кредит/ 01(176) 2012. 44 бет

2. И.А.Каримовнинг 2009, 2010, 2011 йиллар якунларига бағишланган маърузаларидан. Халқ сўзи газетаси. 2010й. 8декабр, 2011й. 8декабр, 2011й. 22январь, 2012й. 20январь

тадбирлар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган, шунингдек, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз халқини иш билан таъминлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ролига катта баҳо бериб, "... кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолади. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради"¹ –деб таъкидлаган эдилар. Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланган “2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”га биноан 2012 йилда 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингтасини қишлоқ жойларда ташкил этиш назарда тутилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўрилган чоралар натижасида тадбиркорлар сафи кенгайди, янги иш ўринлари ташкил этилди, тадбиркорлик субъектларини текширишлар қисқарди, бир неча рухсат бериш турлари олиб ташланди, тадбиркорлар билан давлат идоралари, назорат органлари ва тижорат банклари ўртасидаги муносабатларда ҳар қандай тушунмовчиликлар тадбиркорлар фойдасига ҳал бўлиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган “2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”га асосан 2011 йилда бир миллионга яқин янги иш ўрни ташкил этилди, шундан 68 фоизи қишлоқ жойларда яратилди. Янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёзлар ва переференцилар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди. Буларнинг барчаси албатта жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини бўлмиш оилалар даромад манбаининг кўпайишига, аҳоли турмуш фаровонлиги ва эртанги кунга ишончи ошишига мустаҳкам замин сифатида хизмат қилади (2-жадвал).

1. И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чоралари» асари. Тошкент — «Ўзбекистон» — 2009. 46 бет

, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва

Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши¹

2-жадвал

Кўрсаткичлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари, минг киши	661	940,5	950	1000
шу жумладан:				
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда, минг киши	374,3	391,8	600	640
Фоиз ҳисобида	57,0	41,7	65	64
Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоизҳисобида	72,7	74,2	74,3	74,8

Мазкур соҳани қўллаб-қувватламай туриб, иқтисодий ўсишга эришган, ишсизлик муаммосини ижобий ҳал қилган, аҳоли даромадлари ва форовонлигини оширишга муваффақ бўлган бирор бир давлат йук. Бу соҳа ихчам ва иқтисодиётга тез мослашувчанлиги билан ўз ўрнига эга. Кайси бир тараққий этган мамлакат тажрибасига эътибор қаратманг, айнан тадбиркорлик соҳаси ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганига гувоҳ бўламиз. Ҳар қандай бозор тизимида иш билан бандлик муаммосини ҳал қилишда кичик бизнес имкониятлари алоҳида эътиборга лойиқ. Саноати ривожланган мамлакатларда унинг ҳиссасига барча иш билан банд бўлган ишловчиларнинг 60-70 фоизи ва янги иш ўринларининг 70-80 фоизи тўғри келади. Масалан, ҳозир Германия, Финляндия, Норвегия, Швеция сингари аксарият давлатларида мавжуд иш ўринларининг қарийб 70 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 50 фоиздан ортиқни ташкил этаётгани маълум. Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа мамлакатларда ҳам кичик бизнес етакчи ўринга кўтарилган. Биргина Хитойни оладиган бўлсак, ушбу давлат бугунги кунда нафақат қитъамизда, балки жаҳонда ҳам юксак салоҳиятга эгадир. Бу ерда экспорт ҳажмининг қарийб 60 фоизи кичик бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келаётгани соҳанинг мавқеини яққол кўрсатиб беради. Республикамизда кўрилаётган тадбирлар натижасида яратилаётган иш ўринларининг кичик бизнес ва тадбиркорлик бўйича кўрсаткичлари 60 фоиздан юқори кўрсаткичларни, жами иш билан банд


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСКИЧГА КўТАРАДИГАН ЙИЛ БўЛАДИ” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА. Тошкент – 2012.223 бет

бўлганларнинг эса 70 фоизи шу соҳага тегишли кўрсаткичларни акс эттирмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ажратилаётган кредитлар миқдорида йилдан-йилга ўсиш суръатлари кузатилмоқда, яъни бу борадаги кўрсаткичлар 2001 йил 171,5 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга бориб 4410,0 млрд сўмни ташкил этди. Бу эса 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар усган. (3-диаграмма). Ушбу кредитлардан 25,6 млрд суми касб-хунар коллеж битирувчиларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йуналтирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд сўм¹


3-диаграмма



Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкининг янада камайтирилиши, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромадлар солиғи ставкаларининг камайтирилиши кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тулови ставкасида эса янада имтиёзлар берилмоқда, 1996 ва 2011 йиллар давомида ягона солиқ ставкаси 38% дан 6% гача туширилиши бу соҳани ривожлантириш изчил давом этаётганидан далолатдир, 2012 йил ҳисобидан эса 5% га туширилиши мўлжалланмоқда (4-диаграмма):

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари(1996-2012й)¹

4-диаграмма



Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда ҳам ўз аҳамиятига эга бўлмоқда. Бунда республикамиз иқтисодиёти учун янги бўлган бозор муносабатларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўрсатадиган таъсир даражасини тўлароқ ҳисобга олиш ва шу асосда мақсадли йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш имкони юзага келади.

Доимий даромад — иқтисодий барқарорлик ва фаровон турмуш кафолатидар. Тадбиркорлик ва кичик бизнес эса юртдошларимизга ана шундай имконият яратиб бермоқда.

1. Бозор, Пул ва Кредит/ 01(176) 2012. 44 бет

II боб. Таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти

2.1. Таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг назарий асослари ва тутган ўрни

Таълим ҳар қандай жамиятнинг ажралмас қисми бўлиб, мамлакат тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. У ижтимоий тажриба, маънавий-ахлоқий ва маданий анъаналанинг бирлиги ҳамда давлат ривожини таъминлашда муҳим омил саналади. Республикамиз Президенти Ислам Каримов таълим тушунчасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб: “Таълим ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади¹ дея таърифлайди. Республикамизда 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Республикамиз Президенти ва ҳукуматимизнинг таълимни ривожлантиришга оид бир қатор фармонлари, қарорлари баркамол шахсни тарбиялаш ва малакали мутахассисларни тайёрлашга, узлуксиз таълим тизимини шакллантириш, унинг мазмунини ижтимоий талабларга мувофиқ янгилашга хизмат қилмоқда. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотларнинг биринчи ва иккинчи босқичлари вазифалари муваққиятли амалга оширилиб, учинчи босқичдаги ўзгаришлар давом этмоқда. Бу босқичда ўқув-тарбия ишларини бутунлай янги асосда ташкил қилиш, юқори сифат кўрсаткичига эришиш талаб қилинади.

Бу ўринда таълим жараёнига янги педагогик технологияларнинг кириб келиши ва қўлланиши давр талаби билан бевосита боғлиқдир. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов: “...таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялари (“case study” услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, “амалий ўйин”, интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мултимедия тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш²ни алоҳида таъкидлаганлар. Ўз навбатида, хорижий мутахассислар ҳам мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган ислохотларни ўрганиб, уларга ижобий баҳо бермоқдалар. Бу каби алоқалар ўз навбатида мамлакатимиз таълим тизимида ривожланган мамлакатлардаги янги педагогик технологияларни ўз миллий қадриятларимиз, ва халқ педагогикаси ғоялари нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ўқув жараёнига жорий этишни ҳам тақозо

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши бўйича тармоқ Давлат таълим стандарти. Тузувчилар: А.Икромов, Х.Абдуллаев, В.Дехқонбоев, М.Лафасов, Ж.Жалолов, В.Тўхтиев, А.Нурмонов. – Т. , ЎМКХТМ, 2005.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҚАРОРИ. 2012 й, 28 май. Зарафшон газетаси. 31 май, 2012 йил. 2-бет.


қилмоқда. Зеро, бу каби амалий ишлар мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон таълим стандартлари билан интеграциялашувининг асосий белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш»¹ алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Янги педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш моҳияти хусусида сўз юритилар экан, дастлаб “Педагогик технология” тушунчасининг туб маъносига эътибор қаратиш лозим бўлади.

“Технология” – юнонча сўз бўлиб, “**techne**” – маҳорат, санъат ҳамда “**logos**” - тушунча, таълимот сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган². “**Таълим технологияси**” тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча “an educational technology”) таълим (ўқитиш) жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан (ёки таълимот) маъносини англатади. Ўз ўрнида таълим технологияси таркибига кирувчи “**Педагогик технология**” эса муайян лойиҳа асосида юксак маҳорат билан ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси – ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Замон талабларидан келиб чиқиб, тезкор ахборотлар оқими, янги-янги ғоялар, инновациялар, таълим жараёнларининг янада замонавийлашуви натижаси эса **янги ва илғор педагогик технологияларга** асос солинмоқда.

Умуман, педагогик технологиянинг вужудга келиши илмий жараён сифатида қаралади ҳамда таълим соҳасида ўз ўрнини эгаллаб бормоқда. “**Педагогик технология**”, “**Янги педагогик технологиялар**”, “**Илғор педагогик технологиялар**” тушунчалари билан биргаликда “**Замонавий педагогик ва интерфаол технология**”, “**Ахборот ва инновацион технологиялар**”, “**Ахборот технологияси**”, “**Ахборот-коммуникация технологиялари**”, “**Таълим методлари**”, “**Тарбия методлари**”, “**Педагогик техника**”, “**Компютер технологияси**” каби қатор атамалар, тушунчалар, махсус ва танлов курслари, ўқув предметлари шаклланиб ва уларнинг мазмун-моҳияти ўзгариб турмуш, амалий ва илмий фаолиятга шиддат билан кириб келмоқда ва бу, ўз навбатида, “**Таълим технологияси**”ни тўлдиради ва бойитиб боради (1-чизма).

1. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар Тайёрлаш Миллий дастури. Тошкент – 1997. 11 бет



Бундан 400 йил аввал чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йиллар) таълимни технологиялаштириш ғоясини илгари сурган. У таълимни “техникавий” қилишга ундаган, яъни ҳамма нарса нимага ўқитилса, муваффақиятга эга бўлсин. Натижага олиб келувчи ўқув жараёнини, у “дидактик машина” деб атаган¹. Бундай дидактик машина учун аниқ қўйилган мақсадлар, бу мақсадларга эришиш учун аниқ мослаштирилган воситалар, бу воситалар билан қандай фойдаланиш учун аниқ қоидаларни топиш муҳимлигини ёзган. Бундан кўриниб турибдики, таълим жараёнига педагогик технологияларни жорий этишга бўлган уринишлар анча олдин бошланган экан.

1. Зайниддинова Н. Илғор педагогик технология ва унинг тамойиллари. Навоий – 2008. 3 бет

Кейинги ун йиллар ичида яратилган, педагогикага багишланган адабиётларда «**Педагогик технология**», «**Янги педагогик технология**», «**Илғор педагогик технология**», «**Прогрессив педагогик технология**» каби тушунчалар куп учраб тургани билан уларнинг узбек тилидаги маромига етган таърифи хали тузилмаган. Бу борада ушбу тушунчалар моҳиятини очиб бериш учун ўзбек педагог олимлар ҳамда чет эл педагоглар олимларининг фикрларини ёритиб ўтамиз.

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л. Фарберман **педагогик технологияга** таълим жараёнига янгича ёндашув булиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир, педагогик жараёни техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт холга солиб, унинг оптимал лойихасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ходисадир дея таъриф беради¹.

Педагог олим В.П.Беспалько **педагогик технологияни** “амалётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойихаси” дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараёни олдиндан лойихалашга қаратади².

Педагог–олим Б. Зиёмухамедов **Замонавий Педагогик Технология**, бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, олдиндан белгиланган кишининг ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йуналтирилган укув жараёни тизими сифатида куриб, унинг ташкил қилувчи қисмлари булган укутувчи (педагог)нинг укутиш воситалари ёрдамида тахсил олувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда курсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган тадбирдир, деб ҳисоблайди³.

В.П.Беспальконинг ўзбекистонлик шогиртларидан Нурали Саидахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича, **педагогик технология** — бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида укувчиларга муайян шароитда таъсир курсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир⁴.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКО нинг таърифи буйича, «**Педагогик технология** – техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўйувчи ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жараёнларини яратиш. Қўллаш ва аниқлашнинг

1. Зайниддинова Н. Илғор педагогик технология ва унинг тамойиллари. Навоий – 2008. 3 бет

2. Ў.Қ. Толипов, М.Усмонбоева – Т.: “Фан” 2006. 13 бет

3. Ҳ.Т.Омонов, Н.Х.Хўжаев, С.А.Мадярова, Э.У.Эшчонов. педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тошкент.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”-2009. 37 бет

4. Зайниддинова Н. Илғор педагогик технология ва унинг тамойиллари. Навоий – 2008. 3 бет

тизимли методи бўлиб, таълимни модернизациялашда ҳаракатлантирувчи кучдир»¹.

Педагогик технологиянинг асосий тушунчаси укув жараёнига тизим сифатида ёндашишдир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ходисалар узаро функционал боғлиқликда булиб, бир бутунликни, яъни педагогик жараён тизимини ташкил қилади. Педагогик жараён тизимининг муайян бир вақт мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиши **педагогик технология** дейилади.

Юқоридаги фикр ва қарашлар асосида педагогик технологиянинг энг қисқа ва умулаштирилган таърифини қуйидагича деб ҳисоблашимиз мумкин:

Педагогик технология – баркамол инсонни шакллантириш фаолияти.

Педагогик технология – кафолатланган таълим.

Педагогик технология – ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг куламини қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим – тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш эса ушбу долзарб муаммони ижобий ҳад этишга хизмат қилади.

Янги педагогик технология таълимнинг маълум мақсадга йўналтирилган шакли, усули ва воситаларининг маҳсулидир. Кузатувлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ўқитувчи дарс жараёнида фақат ўзи ишлайди, ўқувчилар эса кузатувчи бўлиб қолаверадилар. Таълимнинг бундай кўриниши ўқувчиларнинг ақлий тафаккурини ўстирмайди, фаоллигини оширмайди, таълим жараёнидаги ижодий фаолиятини сўндиреди. Таълимда янги педагогик технологияларнинг асосий мақсади эса ўқитиш тизимида ўқувчини дарс марказига олиб чиқиш, ўқувчиларни ўқув материалларини шунчаки ёд олишларидан, автоматик тарзда такрорлашларидан узоқлаштириб, мустақил ва ижодий фаолиятини ривожлантириш, дарснинг фаол иштирокчисига айлантиришдир. Мазкур жараёнда мантиқий фикрлаш, тасаввур қилиш, билиш фаолиятини ривожлантириш каби жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга. Таълим орқали ўқувчиларда шахсий дунёқараш ва эътиқод шаклланади. Таълимда белгиланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, фаолият йўналишидаги қийинчиликларни енгиш, **якка тартибда, жуфтликда ва гуруҳларда ишлаш** каби методлар жараёнида ўқувчи шахс сифатида шаклланиб боради.

1. Ҳ.Т.Омонов, Н.Х.Хўжаев, С.А.Мадярова, Э.У.Эшчонов. педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тошкент.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”-2009. 37 бет

Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар янги педагогик технологиялар:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириши;
- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
- ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;
- ўқувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш куникмарини шакллантириши;
- ўқувчиларнинг ўз имкониятларини руёбга чиқара олишлари учун зарур шарт- шароитларни яратиши;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Ривожланган мамлакатларда янги педагогик технологиялардан фойдаланиб таълимни ташкил этиш XX асрнинг 60 йилларида бошланиб, бугунги кунда тўлиқ янги педагогик технологиялар асосида таълим (жараёни) ривожланиб бораётган бўлса, шуни афсус билан айтиш керакки, юртимизда бу соҳадаги илгарилаш бирмунча секин кечмоқда. Ҳаттоки, Малака ошириш марказларида бўлиб қайтаётган педагогларимиз ўрганганларини дарсда қўллашда лоқайдсизлик қилишмоқда. Таълим соҳасида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликларни амалётга тадбиқ этиш фақат таълим мутахассислари педагоглар қўлида экан, бу борадаги ҳар қандай эътиборсизликлар миллий таълим жараёнимизни ортга тортиши мумкин. Бу каби долзарб муаммоларни ҳал қилиш Республикамизда янги педагогик технологиялар асосидаги махсус ахборот марказлари ташкил этилса, илғор тажрибаларга эга бўлган ўқитувчиларнинг кузатишларини умумлаштириб, ҳар ойда илмий мақолалар чоп этиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ундан, асосан, Республикамиздаги педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ҳамда ўқувчи талабалари фойдаланади.

Иккинчидан, бундай янгиликлар талабаларга илк кундан етказилса, улар учун фақат фойда бўлади. Учинчидан, аксарият ўқитувчилар ҳамда кўпчилик талабалар интернет билан ишлай олмайдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кўпчилик ўқитувчи педагоглар ташкил этилган инновацион техник жиҳозлардан фойдаланишни билмайдилар. Ушбу камчиликларни бартараф қилишда техник жиҳозлардан фойдаланишга ўргатувчи махсус курс очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир долзарб муаммо, бу инновацион технологияларни ишлаб чиқишда хориж тажрибасига таяниб қолишдир. Кўпчилик янги педагогик технологиялар, интерфаол методлар, ўйинли технологиялар хориж олимлари томонидан ишлаб чиқилиб, ўзгаришсиз ўзлаштирилиб олинмоқда. Ўзимизда ўз менталитетимизга, таълим салоҳиятимизга мос ҳолда таълим технологиялари кам ишлаб чиқилмоқда. Бунинг сабаби ривожланган мамлакатларда ҳар бир

худудда янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш марказлари ташкил этилган. Бизда эса имконият ҳали у даражада эмас. Вазирлик тавсияси билан яратилаётган ўқув адабиётларини (дарслик, ўқув кўлланмалар) марказлаштирилган ҳолда давлат кутубоналарига, вазирлик тасарруфидаги олий ўқув юртлари илмий кутубхоналарига керакли нусхада етказиб берилишини таъминлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ўзимизда яратилаётган адабиётлар, албатта, кутубхоналаримизда бўлиши шарт. Тўғри буларнинг электрон вариантлари мавжуд, улардан барча талабалар тўлиқфойдалана олади деб бўлмайди. Шу ўринда айтиш керакки, кутубхоналарда янги педагогик технологияларга оид китоблар жуда кам, бўлса ҳам рус тилида нашр қилинган, бунда талабалар фойдаланишида жиддий қийинчиликларга олиб келмоқда.

Тараккий этган мамлакатларда муваффақият билан кулланиб келаётган педагогик технологияларни ҳамда халқимизнинг бой миллий таълим манбаларидан фойдаланиб Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш зарур. Республикаимизнинг таниқли олимлари илмий асосланган, минтақамизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган педагогик технологияларни яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар. Булар орасида Ж.Ф.Юлдошев, С.А.Усмонов, Н.С.Саидахмедов, Р.Ҳ.Жўраев, Қ.Е.Юлдошев каби таълим-тарбия жараёнлари фидойиларининг номлари алоҳида ҳурмат ва эътиборга моликдир.

Янги педагогик технология ёхуд инновация тушунчалари, гарчанд, янги сўз сифатида қўлланилаётган бўлса-да, аслида, унинг илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади. Ўрта асрнинг буюк мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Умар Хайём каби олимлар «изланишларга асосланган» ўқитиш ғоясини илгари сурганлар. Умар Хайём ўзининг «Математик трактатлар»ида «Озгина ўйла, ўзинг топасан», «Фикрласанг, билиб оласан» каби давъатлар асосида ўқитиш лозимлигини қайд қилади. Абу Наср Фаробий борлиқни фаҳмлаш ва билишнинг асоси фикрлашда эканлигини уқтиради.

Республикаимизнинг педагог олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида куллашга интиломқдалар. Ескирган тизим самараси юқори эмас. Чунки:

биринчидан, маълум сабабларга кура жaxon хамжамияти тараккиётидан ортда қолиб кетган жамиятимиз тараккий этган мамлакатлар каторидан урин олиши учун ахоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илгор педагогик тадбирлардан фойдаланишнинг зарурлиги;

иккинчидан, анъанавий уқитиш тизими ёзма ва оғзаки сузларга таяниб иш куриши туфайли «Ахборотли уқитиш» сифатида тавсифланиб, уқитувчи фаолияти биргина укув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб колганлиги;


учинчидан, фан-техника тараккиётининг ута ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

туртинчидан, кишилик жамияти уз тараккиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга булган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга утиб бораётганлиги;

бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илгор билим бериш усули ҳисобланган объектив борликка мажму ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир.

Янги педагогик технологияларнинг узига хос хусусияти шундан иборатки, унда укув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган укув жараёни лойиҳалаштирилади (2-чизма) ва амалга оширилади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқитувчи ва талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади характери, шароитга қараб, ишлатиладиган технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун балки компьютер билан ишлаш лозимдир, балки филм ёки тарқатма материал, чизма ва плакат, ахборот технологиялари, турли адабиётлар керак бўлар. Буларнинг барчаси ўқитувчи ва талабага боғлиқ. Қисқача айтганда талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Замонавий педагогик технологиялар асосида лойиҳалаш асослари



Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар **интерфаол методлар** номи билан юритилмоқда. Ўқитувчи интерфаол методлардан, аввало, оддийдан мураккабга ўтиш назариясига амал қилган ҳолда фойдаланмоғи лозим, жумладан, **кичик гуруҳларда ишлаш, жупликларда ишлаш, жамоа билан ишлаш**, «Ақлий ҳужум», «Кластер», «6х6х6», «Қора кути» методи, «Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ...) ортиқча» методи, «Иссиқ картошка», «Инсерт» технологияси, «Зиг-заг» стратегияси, «Вен диаграммаси», «Синквейн» усули, «Блиц-ўйин», «SWOT таҳлили» каби усуллар ҳамда янада изланишлар натижасида амалётга тадбиқ қилинаётган кўплаб янги-янги илғор усулларни киритишимиз мумкин:

1. Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) - амалий ёки илмий муаммолар ечиш гоёсини жамоавий юзага келтириш.

Иштирокчилар ақлий ҳужум вақтида мураккаб муаммони ҳал этишга ҳаракат қиладилар: уларни танқид қилишга йўл қўймай уни ҳал этишнинг кўпроқ шахсий гоёларини юзага келтирадилар, сўнгра кўпроқ оқилона, самарали, мақбул ва бошқа гоёларни ажратадилар, уларни муҳокама қиладилар ва ривожлантирадилар, уларни исботлаш ёки қайтариш имкониятларини баҳолайдилар. Анъанавий таълимда эса вазифани ечиш вақтида кўпгина таълим олувчилар ўз гоёларини айтишга ботина олмайдилар. Ўз таклифларининг хатолиги ва таълим берувчининг салбий муносабатидан, бошқа иштирокчиларнинг йўқ қилиб юборувчи танқиди ва кулгисидан асосли кўрқадилар. Шу каби талабаларда учрайдиган муаммоларни бартараф этиш янги педагогик технологияларнинг мақсади ҳисобланади.

2. Инсерт технологияси

Инсерт – аввалги билимларни фаолаштириш ва матнда белгилаш учун саволларнинг қўйилиш муолажаси. Шундан сўнг матнда учрайдиган, ҳар турдаги ахборотларнинг белгиланиши.

Бу технологиянинг самарадорлигини шунда кўришимиз мумкинки, ўқувчи талабада ўзидаги билимлар даражасини аниқлаштиришга имкон беради, ўз билим даражасига иқдор бўлади ва натижада янада изланишга ундайди, мустақил фаолиятини таъминлайди.

2. Венн диаграммаси . Бу ўқувчиларда ўз қарашларини ўзига хос алоҳида ойдинлаштириш, белгиларини ажрата олиш билан бир қаторда, уларни ўзаро боғлаш, фикрларини умумийлаштира олиш каби яқдил фикрлаш ҳамда умумий

хулосалар чиқара олиш қобилиятларини шакллантиришга ва ривожлантиришга хизмат қилади.

3. Илон изи усули орқали талаба даставвал ўзи мустақил ўрганиш ва сўнгра атрофидагиларга ўрганганларини ўргатиш ва бу орқали билимларини мустаҳкамлаш, оғзаки баён қилиш маҳоратини ўстириш каби кўникмаларини шаклланишига ёрдам беради.

4. Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг техникаси. Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

6. Кластер усули. Кластер — тутам, боғлам - ахборот харитасини тузиш йўли, барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил трофида ғояларни йиғиш. Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради.

7. «SWOT таҳлил» жадвали - алоҳида муаммо ёки лойиҳани ташкиллаштиришдек, вазиятни таҳлил қилиш ва манбани баҳолаш воситаси. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Бу каби янги педагогик технологияларни кўплаб мисол келтиришимиз мумкин. Янги педагогик технологияларнинг ҳар бири ўқувчи фаоллигини таъминлашни мақсад қилади, мустақил ижодий ёндошишга ундайди, ўқувчининг дарс жараёнида чекинишига йўл қўймайди. Бунда энг муҳими ўқитувчи педагогларимизнинг ўз фаолиятларига нисбатан масъулиятли ёндошувидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир педагогик технологиянинг самарадорлиги унинг ўзига хос хусусиятларида экан, зеро, тўғри ва маромида қўллай олиш белгиланган мақсадга эришишда бу хусусиятлар орқали ўқувчиларда маълум кўникма ва қобилиятларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш билимли, етук кадрлар етишиб чиқишига хизмат қилади.

2.2. Ҳозирги даврда янги педагогик технологияларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги роли, уларга қўйилган талаблар ва уларни амалётга тадбиқ этиш тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Чунки янги педагогик технологиялар таълим жараёнини инқироздан холи этиш, уни бозор иқтисоди шароитига мос ҳолда такомиллаштириш, Давлат таълим стандарти талаблари ҳамда жаҳон талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов таъкидлаганларидек, «Энг янги замонавий ўқув воситалари билан таъминланган коллежларда эскидан қолган ўқитиш услубларининг давом этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди»¹. Зеро, янги педагогик технологиялардан фойдаланаётган кўпгина ривожланган мамлакатлар ўқув жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга ҳамда таълимда самарадорликка эришаётганликлари ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. Зеро, ҳозирги даврда педагог олимлар томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда амалётга тадбиқ этиладиган янги педагогик технологияларнинг барчаси таълим жараёнида фақат ва фақат сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга, таълим самарадорлигини янада оширишга ва ўқув салоҳиятини янада такомиллаштиришга қаратилган мақсадли тадбирлар ҳисобланади. Янги педагогик технологияларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти, янги педагогик технологияларни қандай педагогик вазиятда ёки қандай психологик шароитларда, қайси фанларга нисбатан қайси усулни, қанчалик ҳажмдаги маълумотни қандай технологиялар орқали етказиб бера олишини баҳолаши, умуман, тўғри ва ўрнида қўллаш олишида кабиларда номоён бўлади. Чунки янги педагогик технологияларни тўғри ва маромига етказиб қўллаш билмаслик таълим жараёнидаги муваффақиятсизликка олиб келиши муқаррар.

Янги педагогик технологияларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги ролини ўқувчиларга янги педагогик технологиялар асосида билим бериш орқали уларни:

- ижодий фикр юритиши;
- ўз фикрларини ҳимоя қилиш;
- танқидий мулоҳазаларга ундаш;
- мантиқни шакллантириш;

¹ Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 2009 йил. 8 декабр.

- ўз қарашларини еркин ва очиқ баён эта олиш;
- фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш;
- нафақат таълим олишда, балки иш фаолиятида ҳамкорликда ишлай билиш каби кўникмаларининг шаклланишида кўришимиз мумкин.

Ёшларда бу каби хусусиятларнинг ривожланиши, албатта, ўз фаолиятлари ҳамда жамиятимиз ҳаёти учун муваффақият гарови демакдир. Янги педагогик технологияларнинг барчаси ёшларни мукамал билимга эга бўлишларини мақсад қилиб қуяди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 февралдаги Қарорига биноан республикамиз олий ўқув юртларига ёшларни тест усулида қабул қилишнинг жорий этилиши, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчи марта жаҳон педагогикасидаги илғор тажрибаларни ўрганишга йўл очганлигидан далолат беради. Республикамизда тест усулини Давлат аҳамиятидаги масала даражасига кўтарилганлиги, янги педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этишга ҳам кенг имконият яратди. Масалан, ушбу тест усули йирик сондаги ўқувчиларни бир вақтда синовдан ўтказиш имконини беради, бу ўқувчилар учун ҳам қулайлик тўғдиради. Бу, шубҳасиз, таълимда ижобий самарага эришишнинг бир йўли демакдир. Бундай усулнинг қанчалик даражада самарадор усул эканлиги ёки, ўз ўрнида, камчиликларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.


Тест усулининг **самарадорлик даражасини** куйидагиларда кўриш мумкин:

- юқори даражада махфийлик, ҳақгўйлик ҳамда адолатлиликни муҳофаза қилиш;
- ёшларнинг билим ва ақлий даражасини таъминлашда аниқликни таъминлаш;
- йирик ҳажмдаги маълумотлар асосида кўп саволларни қамраб олиши ва кенг миқёсли билимларни қисқа вақтда текшириш имконини бериши;
- ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида вужудга келган муносабатларнинг ҳеч қандай рол ўйнамаслиги ва талаба билимини баҳолашга таъсир эта олмаслиги;
- ҳар қандай турдаги назорат ишлари (жорий, оралик, якуний...) да қўллаш имконининг мавжудлиги;
- талабалар билимини тезкор ва қўлай текшириш имконини бериши.

Тест усулининг **асосий камчиликларига** :

- диққат, асосан, тестда берилган жавоблар доирасида чекланиб қолиши, қўйилган саволларни тор доирада камраб олиши;
- таваккал қилиб жавоб топиш ҳамда ўқувчи-талабанинг ўз фикрини билдириш имкони йўқлиги.

Муҳокама жараёнига тест усулининг ажралмас қисми сифатида қаралса, нима сабабдан шу жавоб тўғрилиги асослаб берилсагина, тест ўз самарадорлик даражасини бера олади. Бунинг учун, албатта, педагог ўқитувчи ҳар қандай янги педагогик технологияларни қўллашнинг тўлиқ босқичларини ўзлаштиришлари ва ўқув жараёнида усулларнинг сўнгги босқичларига улгуриши, янги педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланган, дарснинг боришини олдиндан лойиҳалаб чиқишлари (1-чизма) таълим самадорлигини таъминлайди.




Янги педагогик технологияларнинг туб моҳияти, ўқитишнинг анъанавий яъни ўқитувчи томонидан баён қилиш, талабаларга тайёр билимларни бериш усулидан воз кечиб талабаларни кўпроқ мустақил таълим олишга ундашдан иборат. Бунда ўқитувчи талабалар билиш фаолиятининг бошқарувчиси, маслаҳатчиси, якуний натижага йўлловчи шахс вазифасини бажаради. Педагогик технологиянинг самарадорлиги яна шундан иборатки, унда турли ўқитувчилар муайян фан (мутахассислик бўйича) бир хил (деярли бир хил) якуний натижага эришиш имкониятига эга бўладилар. Илмий асосланиб, яхши лойиҳалаштирилган янги педагогик технологиялар бўйича ҳар қандай ўқитувчи ҳам, аъло булмаса-да, яхши дарс ўтади. Янги педагогик технологиялар доирасида яратилган турли хил дидактик конструкцияларга

мурожаат қилиш эса ўқув жараёнини ташкил қилишга оқилона ва ижодий ёндашишга, бунда ўқитувчи ўз эркинлигига эга бўлиши, дарсда қўлланилган турли шакл, услуб ва воситалар самарадорлигини ўзи баҳолашига имконият яратади. Шунини таъкидлаш лозимки, педагогик технология тамойиллари ва қоидаларига амал қилиш, ўқув жараёни мазмунини талаба шахсига, унинг қизиқишлари, интилишлари, ёш давлари хусусиятларига ва индивидуал ўзлаштириш суръатларига мувофиқ ҳолда олиб борилишини таъминлайди.

Дарс мобайнида талабаларни қизиқтиришнинг ягона омили саналган янги педагогик технологияларни излаб топиш ва янги-янги усулларни қўллаш – бу дарс ўтишга ноанъанавий ёндошиш ҳисобланади. Шу ўринда таълим шакллари яъни **анъанавий**, **якка тартибдаги** ва **ноанъанавий таълим** хусусиятлари (2-чизма), афзалликлари ва камчиликларини ёритиб бериш орқали улардаги самарадорлик даражасини баҳолай оламиз.

4-чизма



Ҳозирги давр талаби таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш, таълимга ноанъанавий ёндошишни белгилаб бераётган бўлсада, ўз ўрнида, ҳар қайси таълим шакллариининг ҳам ютуқлари билан бир қаторда камчиликларидан кўз юмиб кетолмаймиз. Жумладан, ўзининг узоқ тарихига эга **анъанавий** (таълим жараёни марказида ўқитувчи туради) таълим шаклининг **афзалликларини** қўйидагиларда кўрамыз:

- маълум куникмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни , тайёр маълумотни ўқитувчи етказиб берилади;
- ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилинади;
- вақтдан унумли фойдаланади;
- аниқ билимларга таянади.

Анъанавий таълимнинг **камчиликлари:**

- ўқувчилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар;
- ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди;
- ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди;
- эслаб қолиш даражаси ҳамма ўқувчиларда бир хил бўлмаганлиги сабабли синф бўйича ўзлаштириш даражасипаст бўлиб қолиши мумкин;
- мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди.

Таълимга **ноанъанавий** (таълим жараёни марказида ўқувчи туради) ёндошишнинг ҳам бир қанча устун томонлари ҳамда камчиликлари мавжуд бўлиб, **афзалликлари:**

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши;
- ўз вақтида қайтар алоқаларнинг таъминланиши;
- тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши;
- ўқитиш усулларнинг турли хил кўринишлари таклиф этилиши;
- мотивациянинг юқори даражада бўлиши;
- ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашиши;
- ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши;
- ўқувчиларнинг фанга оид мавзу мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати;

- мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шаклланишига ёрдам бериши;
- нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикрлашни ҳам ривожлантириши;
- муаммолар ечиш кўникмаларининг шаклланиши кабиларни ўз ичига олади.

Ноанъанавий таълимнинг **камчиликлари** ҳам мавжуд, улар:

- кўп вақт талаб этилиши;
- ўқувчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги;
- жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши;
- ўқитувчининг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларигаэга бўлишининг талаб этилиш.

Ҳар қайси таълим шаклининг ютуғи ҳамда камчиликлари бор экан, демак, бу ердаги энг муҳим муаммо – бу педагог энг юқори ижобий натижага эришиши учун қандай таълим шаклини қўллаши, қайси таълим методларини танлаши ва бунда бир қатор мезонларни ҳисобга ола билишидадир. Янги педагогик технологияларни ҳам, турли хил методларни ҳам ва, ҳаттоки, лозим топилганда юқори натижага эришиш учун янги педагогик технологиялардан кечиб анъанавий талимдан тўғри фойдалана олиш кўзланган мақсадга эришишнинг ҳамда ҳар қандай усулларнинг ўз самарадорлик даражасига еришишнинг кафолатли омили ҳисобланади. Демак. Бунда энг долзарб масала танлай билиш қобилияти экан. Қуйида берилган танлаш мезонларига таянилса, мақсадга мувофиқ булади:

- таълимнинг мақсадига кўра;
- таълим олувчиларнинг сони ва имкониятларига кўра;
- таълимнинг давомийлигига кўра;
- моддий-техник шароитларга кўра;
- таълим берувчининг маҳоратига кўра.

Янги педогогик технологиялар орқали кўзланган таълим самарадорлигига эриша олмаслик ҳам мумкин. Бунда бир қанча муаммолар бизга тўсқинлик қилади ва уларни вақтида бартараф этиш йўлларини топиш муҳим масала ҳисобланади. (1-жадвал)

Янги педагогик технологиялардан фойдаланиш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари

5-жадвал

Муаммолар	Ҳал этиш йўллари
<p>1. Ўқитувчининг маҳоратининг етишмаслиги</p>	<p>Малака ошириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> a) Бошқаларнинг дарсларини кўзатиш; b) Семинарларда иштирок этиш; c) Режали малака ошириш курсларидан ўтиш; d) Педагогик ўқиш.
<p>2. Таълим воситаларидан самарали фойдалана билмаслик</p>	<p>Таълим воситаларидан фойдаланиш бўйича малака ошириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> a) Мустақил ўрганиш; b) Махсус семинарларда иштирок этиш; c) Режали малака ошириш курсларидан ўтиш;
<p>3. Ташқи ва ички тўсиқлар</p>	<ul style="list-style-type: none"> a) Маъмурий буйруқбозлик; b) Ўқитувчининг техник воситалар бўйича маҳоратини ошириш; c) Таълим воситаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш.
<p>4. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги психологик муносабатларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги</p>	<ul style="list-style-type: none"> a) Ўқувчилар билан индивидуал ва гуруҳларда мустақил ишларни ташкил этиш; b) ташкилий ва жамоат ишларида ҳамкорликда фаол иштирок этиш.

Таълим жараёнида янги педагогик технологияларга қуйилган талаблар замонавий таълим талабларидан келиб чиқади. Ўқув жараёнида ҳар қандай педагогик технологияни қўллашда:

- ✓ Марказда талаба бўлиши;
- ✓ Талабани фаоллаштириш;
- ✓ Талабани дарс жараёнига мотивация асосида қизиқтириш;
- ✓ Дидактик воситалар ёрдамида дарс ўтиш;
- ✓ Дарс жараёнида кичик гуруҳларни ташкил қилиш;
- ✓ Интерфаол усулларни қўллаш;
- ✓ Ахборот технологиялари асосида дарс ўтиш;
- ✓ Инновациялар киритиш;
- ✓ Рейтинг тизими асосида баҳолаш кабиларни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Беспалко В.П., Скиннер Б., Никандров Н. Д., Тализина Н. Ф., Фарберман Б. Л. ва бошқаларнинг илмий изланиш натижаларини таҳлил қилган ҳолда, дастурланган таълим микёсида педагогик технологиянинг қуйидаги тамойилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1.Талабалар билиш фаолиятини бошқарувчи қурилмалар тизимининг қатъий кетма-кетлигини яратиш. Педагогик технологиянинг кўп поғонали таркибий тузилишининг ўзи ҳам ягона тизимни ташкил этувчи бошқариш қурилмалари кетма-кетлигини яратишни тақозо қилади. Бу кетма-кетликнинг бошланғич босқичида педагог туради. У фанни ўзлаштиришга оид дастлабки йўлланмалар яратади ва зарур бўлган мураккаб ҳолатларда талабаларга яқка тартибда ёрдам кўрсатиб, ўқув жараёни кечувига тегишли ўзгартиришлар киритиб боради, лекин қисман бўлсада автоматик қурилмалар ҳам иштирок этадилар. Улар фанни ўрганишга оид яратилган йўлланмаларда ахборотларни тўлароқ қамраб олиш ва ўз имкониятларига биноан зарур бўлган ҳолларда талабаларга ёрдам кўрсатиш функциясини бажарадилар. Ўқув жараёнининг умумлашган жиҳатларини бошқаришни педагог, талаба фаолиятининг алоҳида қисмларини бошқаришни эса, бошқарув қурилмалар томонидан олиб борилиши бевосита педагог томонидан қайта ишланадиган ахборотлар камайтиради. Бунинг натижасида ўқув жараёнини бошқариш мақбуллашади ва унинг самарадорлиги сезиларли даражада ошади. Талабалар билиш фаолиятини бошқарувчи қурилмалар педагог ёки услубист томонидан олдиндан тузилган дастур асосида ишлайди. Шунинг учун ҳам, улар фақат олдиндан дастурланган ҳолатларнигина назорат қилади холос. Ўқув жараёнида вужудга келган, лекин олдиндан дастурланмаган вазиятларни бошқариш учун

педагог фаолияти зарур бўлади. Бугунги кунда тўла-тўқис дастурланган электрон дарслик яратилмоқда. Бунда талабалар билиш фаолиятини бошқаришда - ўқитувчи, машина ёрдамида (автоматик) ва уларнинг биргалигида ҳамда ўз-ўзини бошқариш турларидан унумли фойдаланишни лойиҳалашга эътибор берилиши лозим.

2. Талабалар билиш фаолиятининг ҳар бир қисми бўйича ўқув жараёнини бошқаришни цикллар бўйича ташкил қилиш. Педагогик технологиянинг бу тамойили, унинг биринчи тамойили билан бевосита боғлиқ бўлиб, педагог ва бошқарув қурилмаларининг фаолияти унинг тўла-тўқис амалга оширилишини таъминлайди. Бунда, талабаларга тўғридан-тўғри ахборот узатиш билан бирга, улардан ҳам ахборот олиш - қайтувчан алоқа эътиборга олинади. Бизга кибернетикадан маълумки, бошқарув тизимининг меъёрида фаолият кўрсатиши учун бу машина ва объект (талаба) ўртасида тўғри ва қайтувчан алоқа ўрнатилиши лозим. Қайтувчан алоқа ўқитувчига ҳам, талабага ҳам бирдек- талаба учун ўқув материални ўзлаштирилишининг бориши аниқлаш, ўқитувчи учун эса йўл қўйилган хатоликларни таҳлил қилиб, педагогик жараёнга тегишли тузатишлар киритиб бориш учун муҳимдир. Талаба мустақил равишда ўз фаолиятига тегишли тузатишлар киритиш учун зарур бўлган қайтувчан алоқа - ички, тузутишлар бошқарувчи қурилма ёки ўқитувчи томонидан бажарилса, ташқи қайтувчан алоқа деб аталади. Ички қайтувчан алоқа туфайли талаба билим ва кўникмаларни онгли равишда ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Бунда ҳеч қандай тушунтириш, маслаҳат бериш, йўлланма бериш кабиларга йўл қўйилмайди. Маълумки, фақат ташқи қайтувчан алоқа ўрнатилсагина ўқув жараёни-ни циклик тарзда бошқариш мумкин бўлади, лекин у жуда қимматга тушади. Шунинг учун ҳам, ташқи қайтувчан алоқа баъзан (сўраш ва назорат учун), ички-оператив (тезкор) қайтувчан алоқа эса бевосита ўқув жараёнида амалга оширилади.

3. Ўқув материални узатишда, унинг моҳиятини очиб бериш учун алоҳида қадамлардан фойдаланиш учинчи тамойилни ташкил қилади. Бу талабнинг бажарилиши дастур материални барчага тушунарли бўлишини таъминлайди. Қадамлар бўйича ўқитиш-ўқув дастури материалларини алоҳида, мустақил ва ўзаро боғлиқ, ахборотлар сифими жиҳатдан энг мақбул қисм(модул)ларга ажратишни англатади. Бунда талабаларга бир қисмдан иккинчисига ўтиш учун тавсиялар ҳам берилиб, уларнинг тўла ўзлаштирилишини эътиборга олинади. Тўғридан-тўғри ва қайтувчан алоқаларнинг ахборот сифими ва билишга оид ҳаракатларнинг бажариш қоидалари, ўргатувчи дастурнинг қадамини ташкил қилади. Талаба бу қадамларни навбатма-навбат ўзлаштириб, умумий ўқув мақсадларига эришиш томон ҳаракат қилади. Ҳар бир ўқув қадам таркиби ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги учта қисм (кадр)ни қамраб олади: ахборот, қайтувчан алоқа операцияси ва назорат. Ўқув қадамларининг кетма-кетлиги педагогик технологиянинг асосини ташкил қилади. Талабаларнинг дастур (ҳар бир ўқув қадами) бўйича фаолияти ўта индивидуаллашган бўлади.

4. Шунинг учун ҳам тўртинчи тамойил - ўзлаштиришнинг индивидуал суръати деб аталади. Бу тамойилга амал қилиш барча талабалар томонидан (турли вақтларда бўлсада) ўқув материални тўла-тўқис ўзлаштирилишини таъминлайди. Бунда ҳар бир талаба учун алоҳида - унинг рухий (идроки, диққати, тафаккури) ривожланиши учун энг мақбул бўлган ўқув материални танлаш ва унинг ўзига энг мақбул бўлган ўзлаштириш траекторисини белгилаш зарурати туғилади. Талабанинг ўзлаштириш (силжиш) троекториясини мақбуллаштириш деганда, билиш фаолиятии талабанинг ўзлаштириш имкониятлари - у дучор бўладиган қийинчилик ва хатоликларни бартараф қилишга мос ҳолда ўзгариши тушунилади. Булар махсус техник қурилмалар ёрдамида амалга оширилади. Бундай воситалар ҳар бир талаба учун энг мақбул ўқиш режимини излаб топиш ва уни сақлаб туриш бўйича тузилган дастур асосида ишлайди.

5. Бешинчи тамойил талаба шахсининг айрим хислатлари (тезкор реак-ция, йўналганлик ва ҳ.к.) ни ривожлантирувчи фанларни ўқитишда ўқув материални дастурлаб узатадиган махсус техник воситалардан фойдаланишдан иборат. Бу воситалар ўргатувчи машиналар бўлиб ҳисобланади, чунки улар ёрдамида педагог ўқув жараёнида ўз фаолиятини турли тўлақонликда моделлаш имкониятига эга бўлади. Махсус техник қурилма дейилганда, ҳар бир ўқув қадамини - унинг тўла маъносида (ахборот, операция, қайтувчан алоқа, назорат) амалга оширувчи техник қурилмалар тушунилади. Фақат битта функцияни бажарувчи техник восита шартли дастурловчи восита деб аталади.

6. Билимларни табақалашган ҳолда мустаҳкамлаш қондаси ҳар бир ўқув қадами (бирлиги) турли хил мазмун ва жиҳатларда такрорланади ҳамда пухта ўйлаб танланган бир неча мисолларда кўрсатилади.

7. Топшириқларнинг аста-секин қийинлашиб бориши. Бу тамойил тушунтиришда дидактиканинг осондан-қийинга, соддадан-мураккабга томон юриш тамойилига мувофиқдир.

Юқоридаги тамойиллар педагогик технологиянинг дидактик тизим сифатидаги ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Лекин, улар ўқув жараёнини ташкил этишга оид барча талабларни ўзида акс эттиради, деб бўлмайди. Педагогик технологияда хусусий ҳол сифатида анъанавий ўқитишдан ҳамда дидактиканинг барча тамойилларидан ҳам фойдаланилади (онглилик ва фаоллик, кўргазмалилик, назарияни амалиёт билан боғлиқлиги, ўқитишда узвийлик ва кетма-кетлик, ўқитишни тушунарли ва билимларнинг пухта бўлиши). Педагогик технология тамойиллари ва умумдидактик тамойиллар бир-бирини тўлдиради ва бойитади.

III боб. “Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнес” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш

3.1. “Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнес” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялар қўллаш

Битирув олди малакавий ишимнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, битирув олди амалиётимни Самарқанд банк коллежида ўтказдим. Битирув олди малакавий ишимнинг мазкур парагрифида, битирув олди малакавий амалиёт вақтида тадқиқот ўтказиш учун очик-семинар дарсни ташкиллаштирдим ва дарс жараёнини лойиҳалаштириш, вақтни тўғри тақсимлаш, талабаларни жалб қила олиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш каби масалаларга эътиборимни қаратдим. Битирув олди малакавий амалиётим давомида дарс жараёнида янги педогогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлик натижасини кўрсатиб бериш мақсадида тадқиқот ўтказдим.

Тадқиқот ишимнинг **биринчи босқичи**да дарсни ноанъанавий шаклда ташкил қилдим. Тажриба 10 апрел куни Самарқанд банк коллежининг «Банк иши» йўналишидаги II-босқич 213-гуруҳида ўтказилди. Тадқиқотда 31 нафар ўқувчилар, 3 нафар коллеж ўқитувчилари, 2 нафар коллеж раҳбарлари (директор ўринбосарлари) катнашдилар.

Тажрибанинг биринчи босқичи янги педагогик технологиялардан фойдаланиб «Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти» мавзусида дарс ўтиш орқали амалга оширилди. Дарсни «Иссиқ картошка», «Синквейн», «SWOT таҳлил» ҳамда «бешинчиси, олтинчиси ... ортиқча» технологияларидан фойдаланиб ташкил қилдим.

Тадқиқот ишимнинг **иккинчи босқичи**да таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, самарадорлигини таҳлил қилиш ва натижаларни кўрсатиб беришни мақсад қилганлигим боис «Т-схема» бланкасини дарс бошланишида ўқитувчиларга ва ўқувчиларга тақдим қилдим ва натижани охирида келтириб ўтаман.

«Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти» мавзуси бўйича семинар машғулотида ўқитиш технологияси

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 31 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулот.
Ўқув машғулотининг режаси	1.Тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятининг мазмун-моҳияти ва бозор иқтисодиёти шароитидаги вазифалари 2.Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг асосий белгилари ва ўзига хос хусусиятлари 3.Тадбиркорлик ва кичик бизнес шакллари ва уларнинг тавсифи
Ўқув машғулотининг мақсади	Тадбиркорлик ва кичик бизнес, уларнинг вазифалари, белгилари, хусусиятлари , шакллари тўғрисида талабалар билимларини аниқлаштириш.
<p>Педогогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш; - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - муаммоли вазифаларни ечиш куникмаларини ривожлантириш, тезкор фикр ва таҳлил қилишни билиш, муқобил вариантларни илгари суриш, муқобил вариантларни баҳолаш, якуний хулосаларни шакллантириш. 	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бизнес, кичик бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик тушунчаларига таъриф беради; - тадбиркорлик шаклларига таъриф беради ва мисоллар келтиради; - тадбиркорлик ва бизнес тушунчаларининг фарқини топади; - тадбиркорлик белгиларини тавсифлайди; - кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради; - тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятининг бозор иқтисодиёти шароитидаги вазифаларини ифодалайди.
Таълим усуллари	«Иссиқ картошка», «Синквейн», «SWOT таҳлил», «бешинчиси, олтинчиси ортикча» усули
Таълимнинг ташкиллаштириш	Кичик гуруҳларда, якка тартибда ишлаш.

шакли	
Таълим восталари	Маъруза матни, маркер, скоч, доска, мел, тарқатма материаллар,рлакатлар.
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, «П» шаклида жойлаштирилган, оммавий ишлашга мослаштирилган аудитория.

Дарс жараёнини яхлит кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун дарснинг технологик харитасини тузиб олдим:

«Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти» мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 дақиқа).	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, уни ўтказиш режаси ва режалаштирилган натижасини айтади.</p> <p>1.2. Талабаларни «П» шаклида жойлаштиради. Талабаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p> <p>1.3. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида ўтилган мавзуни такрорлаш учун «Иссиқ картошка» технологиясини кўллайди. «Иссиқ картошка» технологиясини кўллаш қоидалари билан таништиради ва шу асосида саволлар тарқатади.</p> <p>1.4. Такрорлашни яқунлайди ва олинган балларни қайд қилиб кўяди</p>	<p>Тинглайдилар, Ёзиб оладилар, Иштирок этадилар, Саволарга жавоб берадилар.</p>
	<p>2.1. Янги мавзуни эълон қилади ва ҳар бир режа бўйича махсус усуллар кўлланилиши ва эътиборли бўлиши лозимлигини огоҳлантиради ва жараён бошланганини эълон қилади.</p> <p>2.2. Ўқитиш кичик гуруҳларда ишлаш,</p>	<p>Эшитадилар, Иштирок этадилар, Саволарга жавоб берадилар,</p>

<p>2-босқич. Асосий (55дақиқа).</p>	<p>«Синквейн», «SWOT таҳлил», «бешинчиси, олтинчиси ортиқча» технологиялари асосида олиб борилишини эълон қилади.</p> <p>2.3. Талабларга тарқатма материаллар тарқатилади, кичик гуруҳларда ишлаш ва яқка тартибдаги фаолиятлари натижаларини баҳолашни ташкил этади, билимларни умумлаштиради, вазифаларни бажариш жараёнида асосий хулосаларга эътибор қаратади.</p> <p>2.4. Янги мавзу баёнини яқунлайди ва олинган балларни қайд қилиб қўяди.</p>	<p>Берилган топшириқларни бажарадилар, Ҳар бир топшириқлар бўйича гуруҳ сардорлари фикр-мушоҳадаларини тақдим қилади ва ўз фикрларини химоя қиладилар, Вазифалар бўйича тарқатма материалларни тўлдиради ва оммавий шаклда химоя қилади.</p>
<p>3-босқич. (10 дақиқа).</p>	<p>3.1. Дарс якунида ўқувчилар саволларига жавоб беради, машғулотларга яқун ясайди, хулосаларни умумлаштиради, гуруҳда фаол иштирок этган талабаларни баҳолайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: мавзу бўйича қўшимча конспектлаштириш, мавзу юзасидан «Крассворд» тузиб келиш.</p>	<p>Эшитадилар , Аниқлайдилар, Топшириқларни ёзиб оладилар.</p>

Амалий машғулот режаси:

1. Дарсинг ташкилий қисми – 5 дақиқа

2. Ўтган мавзу бўйича билимларни такомиллаштириш («Иссиқ картошка») – 10 дақиқа

3. Янги «Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти» мавзусининг баёни – 55 дақиқа:

а). Мавзунинг биринчи «Тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятининг мазмун-моҳияти ва бозор иқтисодиёти шароитидаги вазифалари» саволи бўйича билимларни шакллантириш: режа баёни, «Синквейн» технологиясини қўллаш ва ўқувчилар ишларини химоя қилиниши – 15 дақиқа.

б). Мавзунинг иккинчи «Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг асосий белгилари ва ўзига хос хусусиятлари» саволи бўйича билимларни «SWOT таҳлили» усули асосида шакллантириш – 20 дақиқа.

в). Мавзунинг учинчи «Тадбиркорлик ва кичик бизнес шакллари ва уларнинг тавсифи» саволини «бешинчиси, олтинчиси, ... ортиқча» усули асосида ёритиш – 20 дақиқа.

4. Дарс якунида ўқувчилар саволларига жавоб бериш, баҳолаш ва уйга топшириқ бериш – 10 дақиқа.

Дарснинг 1-босқичи.

1. Дарснинг ташкилий қисмида ўқувчилар билан саломлашдим, аудитория тайёрлик даражасини ва шарт-шароитларини назорат қилдим, керакли буюмлар мавжудлигини кўздан кечирдим, давоматни текширдим ва журналга керакли ёзмаларни киритиб қўйдим. Дарс давомида бир нечта янги педагогик технологиялар қўлланилиши, уларни шартларини тушуниб тўғри бажаришлари учун эътиборли бўлишлари олдиндан огоҳлантирдим.

2. Дарс бериш жараёнида янги педагогик ва инновацион технологиялардан, интерактив методлардан фойдаланиш юқори самара беради. Шу сабабли ҳам семинар машғулотимда талабаларнинг билим даражасини ҳисобга олган ҳолда, олдин берилган маълумотлар асосида, янги мавзунинг ўтилган мавзулар билан боғлаш мақсадида дарс бошида такрорлаш амалга оширилди. Такрорлаш оммавий шаклда ўтади. Бунда «Иссиқ картошка» усулини қўладим, бу эса мавзунинг тушунишни янада мустақамлайди, талабаларни фаол ҳаракат қилишга ундайди. Ушбу усул учун аудитория «П» шаклда бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу усулнинг шартлари билан ўқувчиларни таништирдим. «Иссиқ картошка» тўғрагач, ўқувчилар жавобларини тўпладим, фаоллигини эътиборга олдим балларни қайд қилиб қўйдим. Демак, «Иссиқ картошка» методидан фойдаланганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан, талабаларда тезкор фикрлаш фаолияти шаклланади, билимларни керакли пайтда хотирадан тафаккурга келтира олиш ва баён қилиш, тезкор эсга тушириш қобилияти, ихтиёрий хотира ривожланади.

Дарснинг 2-босқичида янги мавзу ва режани баён қилдим ва ёздирдим:

Мавзу: Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти.

Режа

1. Тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятининг мазмун-моҳияти ва бозор иқтисодиёти шароитида вазифалари

2. Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг асосий белгилари ва ўзига хос хусусиятлари

3. Тадбиркорлик ва кичик бизнес шакллари ва уларнинг тавсифи

Мавзунинг ҳар бир саволи бўйича ҳар хил технологиялар қўлланилиши, шу сабабли ҳар бир савол бўйича бериладиган маълумотларга диққат қилишлари лозимлигини огоҳлантирдим. Энди ўқувчиларни 6 та кичик гуруҳларга ажратдим, 5-6 нафардан бўлиб гуруҳларга ажралишди. Дарснинг якунига қадар кичик гуруҳларда ишлашади ва гуруҳларга сардор тайинлаб олдик. Мавзунинг 1-саволи (Тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятининг мазмун-моҳияти ва бозор иқтисодиёти шароитида вазифалари) бўйича тушунча бердим, керакли жойларини ўқувчилар қисқа-қисқа конспект қилиб бораверадилар, савол баёни тўғрач, кенгроқ кўникма ҳосил қилиш учун «Синквейн» технологиясини қўладим. Талабалар «Синквейн» технологияси орқали тушунчаларни кенг моҳиятини ҳамда берилган атамалар бўйича ўзига хос хусусиятларни англаб етадилар. Бу усул фикрлаш доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Ҳар бир гуруҳга «Синквейн» нинг тўлдирилмаган шаклдаги чизмаларини тарқатдим, шартлари билан таништирдим ва «тадбиркор», «тадбиркорлик», «бизнес» сўзларининг ихтиёрий бирортасини танлаб чизмаларни тўлдиришларини ва вақтни элон қилдим.

«Синквейн» усулида 5 та қатор бўлиб, 1-қаторда 1 та кесма, 2-қаторда 2 та кесма, 3-қаторда 3 та кесма, 4-қаторда 4 та кесма ва 5-қаторда 1 та кесма чизиклар мавжуд ва уларга қўйидагича сўзлар жойлаштирилади:

1-қатор. 1 та от (сўз туркумлари) .

2-қатор. 2 та сифат

3-қатор. 3 та феъл

4-қатор. 4 та сўздан иборат гап.

5-қатор. Синоним (1-қатордаги сўзга синоним ёки умумлаштирувчи 1 та сўз).



Тайёр бўлган жавобларни гуруҳдан бир ўқувчи ҳимоя қилади, ўқитувчи томонидан хатоликлар тўғрилиб оммавий таҳлил қилинади. Бунда баҳолаш мезонини талабалар кузатиб боришлари учун махсус плакат ташкил қилдим(иловада).

Мавзунинг 2-саволи (Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг асосий белгилари ва ўзига хос хусусиятлари) бўйича тушунча бердим, тадбиркорлик белгилари бўйича вақтдан ютиш мақсадида плакатдан фойдаландим(иловада). Асосий тушунчаларни ўқувчилар қисқа-қисқа конспект қилиб бораверадилар, савол баёни тўгагач, кенгроқ кўникма ҳосил қилиш учун «**SWOT таҳлил**» технологиясини қўладим. «SWOT таҳлил» технологияси орқали ўқувчилар ҳамкорликда фикрлайдилар, баҳс-мунозаралар олиб борадилар, фикрлар хилма-хиллиги натижасида билим ва кўникмаларини бойитиб борадилар, бирлашадилар, ўз қарашларини таққослайдилар, тўлдирадилар. Бунда ҳам кичик гуруҳларда ишлашади, технология шартлари билан ўқувчиларни таништириб ўтдим.

Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг SWOT - таҳлили

S (кучли томонлар)	W (кучсиз томонлар)
1.Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича Давлат ва ҳудудий дастурларнинг узок муддатга ишлаб чиқилганлиги ва амал қилиниши;	1.Кадрлар малакасининг талабга жавоб бермаслиги, уларнинг бозор сирларини, ўз ҳақ-ҳуқуқларни яхши билмаслиги;
2.Қулай меъёрий-ҳуқуқий замин, қонунчилик базаси яратилганлиги;	2. Тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг истиқболли режалари асоссиз тузилиши;
3.Солиқ ва божхона имтиёзларининг мавжудлиги;	3.Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги ва кенгайишга имкон йўқлиги;
4.Тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш механизмининг такомиллашганлиги;	4.Кадрларнинг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича етарли ахборотга эга эмаслиги;
5.Давлат ва назорат идораларининг молиявий-хўжалик фаолиятига иаралашувининг кескин камайтирилганлиги;	5.Пул даромадлари ва харидорлар сонининг камайиши билан ривожланишнинг пасайиши;
6.Инқироздан чиқиш бўйича чоратадбирларнинг мавжудлиги кабилар.	6.Талаб ва таклиф, маркетинг, бозорни ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг ҳудудлар бўйича ўтказилмаганлиги кабилар.

О (имкониятлар)	Т (хавф-хатар, таҳдидлар)
1.Тўловга қодир инвесторларнинг соҳага инвестиция қўйиш истагининг мавжудлиги;	1.Хорижий рақобатчиларнинг хизматлар бозорида мавқеининг ўсиши;
2. Тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига ҳукумат томонидан устуворлик берилиши;	2.Айрим ҳудудларда бошқа ҳудудлар билан хизмат бозорининг яхши йўлга қўйилмаганлиги;
3. Тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг бозорга тез мослашувчанлиги;	3.Мавсумий ва демографик вазиятнинг ўзгарувчанлиги;
4.Божхона назорати муддати уч йил билан чекланганлиги;	4.Тез ўзгарувчан хусусиятига эга бўлганлиги сабабли инқирозларга дош бера олмаслиги;
5.Вилоятларда консалтинг хизматларини кўрсатиш ва уни ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги;	
6.Аҳоли учун қулай оилавий бизнеснинг яратилиши кабилар.	

Жадвал тўлдирилгач, гуруҳларнинг тўғри ёки нотўғри мулоҳаза юритганликлари, иштироки даражаси ҳисобга олиб яқунладим ва ўқувчилар тўплаган балларни жадвалга киритиб қўйдим.


Мавзунинг 3-саволи (Тадбиркорлик ва кичик бизнес шакллари ва уларнинг тавсифи) бўйича гуруҳларга маълумотли тарқатма материаллар ва саволли карточкалар тарқатиб чиқдим ва биринчи навбатда уларда берилган маълумотларни тезда ўрганиб чиқишлари, навбатдаги технология учун манба бўлиб хизмат қилишини таъкидладим. Бу савол бўйича **«бешинчиси, олтинчиси, ... ортиқча»** усулини қўлладим. Бу усулнинг шартлари билан таништирдим. **«бешинчиси, олтинчиси, ... ортиқча»** усулида савол берилади ва бир нечта жавоб вариантлари берилади. Бунда худди тестлар каби тўғри жавобларни эмас, аксинча, ортиқчасини топиш лозим бўлади. Маълумотли тарқатма материаллар(иловада)да тадбиркорлик ва кичик бизнес шакллари ва уларнинг тавсифи берилган бўлиб, аввал маълумотлар билан танишиб чиқишлари ва ўрганган маълумотларидан саволли карточкаларда фойдаланишларини тушунтириб ўтдим, бу метод маълумотлар тезда эса қолишини таъминлайди. **«бешинчиси, олтинчиси, ... ортиқча»** усули бўйича эгалланган балларни ҳам жадвалга киритиб қўйдим.

Баҳолаш мезонини ўқувчилар бевосита кузатиб бордилар. Баҳолаш мезони қўйидаги кўринишда: **бунда: аъло – 1, яхши – 0,8, қониқарли – 0,6...**

Гуруҳлар Дарс жараёни	1-гуруҳ	2- гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ	5- гуруҳ	6- гуруҳ
“Синквейн”	1	0,8	1	1	1	0,6
“SWOT таҳлил”	0,8	1	1	1	1	0,6
“бешинчиси, олтин-чиси... ортиқча”	1	0,8	0,8	1	1	0,8
Таркибдаги ўқув- чилар фаоллиги	0,6	0,6	1	1	1	0,6
Хулқ-одоби	0,8	1	1	1	0,8	0,6
Умумий балл	4,2	4,2	4,8	5	4,8	3,2

Демак, 4-гуруҳ аъло ҳамда 3-5-гуруҳ рағбат асосида аъло, 1-2-гуруҳ яхши ва 6-гуруҳ қониқарли баҳоланди. Бу 31 нафар талабадан 16 таси аъло (52%), 10 таси яхши (32%), 5 таси қониқарли(16%) демакдир. Гуруҳ тўлиқ баҳоланди.

7-даграмма



Кўриниб турибдики, дарс жараёнига бу каби замонавий ёндошув педагогларимиз фаолиятида энг самарали натижага эришишга хизмат қилади.

Тадқиқот ишимнинг **иккинчи босқичида** эса янги педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш ва натижалар ҳавола қилинади. Мазкур босқичда коллежнинг ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари томонидан “Янги педагогик технологияларни таълим тизимига жорий этиш” масаласи муҳокама қилинди ҳамда “**Т-схема**” асосида дарс натижалари баҳоланди. “Т-схема” мавжуд қарашларини таққослаш, улар асосида қарор қабул қилишга ўргатади. Гуруҳга ва таҳлилдаги ўқитувчиларга “Т-схема” туширилган икки нусха тақдим қилинди, нусхаларнинг бирида янги педагогик технологиялар асосида ташкил

этилган “Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти” мавзуси бўйича ўтказилган дарс жараёнининг афзаллиги ва камчилигини кўрсатиб беришлари сўралган. Иккинчи нусхада бошқа дарсларда қўлланган анъанавий дарснинг камчиликлари ва афзалликларини таққослаб кўрсатишлари лозимлигини уқтирдим, натижалар қўйидагича:

“Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти” мавзуси бўйича ўтказилган дарс жараёни

Афзалликлари:	Камчиликлари:
<p>1.Қисқа муддатда кенг ҳажмдаги маълумотларни талабалар томонидан ўзлаштирилиши таъминланди.</p> <p>2.Дарсда ҳар бир талабага индивидуал ёндошилди ва индивидуал баҳоланди.</p> <p>3.Кичик гуруҳларда ишлаш куп сонли талабани баҳолаш имконини беради.</p> <p>4.Дарс баҳс-мунозарага бой бўлди, натижада талабаларда мустақил ижодий фикрлаш, фикрини эркин баён эта олиш ҳамда ўрганилган материални ёдда сақлаб қолишга эришиш таъминланди.</p> <p>5.Дарсда рақобат муҳити шаклланди. Бу эса талабалар билимини ривожлантирувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.</p> <p>6.Қўлланилган ҳар бир технология орқали талабанинг қайсидир қобилияти ривожланиши кўзда тутилган.</p> <p>7.Дарс жараёнида маълум кетма-кетлик асосида ташкил этилиши талабаларнинг бир босқичдан иккинчи босқичга қийинчиликсиз мослашишга , оддийдан мураккабга томон йўналтирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.</p> <p>8.Дарс давомида жами талабаларни</p>	<p>1.Дарсда баҳс-мунозара мобайнида шовқин юзага келди.</p> <p>2.Ўқитувчи томонидан катта ҳам ақлий, ҳам жисмоний куч сарфланади ва катта масъулият талаб қилинади.</p> <p>3.Ўқувчиларда ақлий зўриқиш пайдо бўлиши мумкин (бу унинг маҳоратига боғлиқ).</p>


“Анъанавий таълим” жараёни

Афзалликлари:	Камчиликлари:
<p>1.Тайёр ҳолдаги кенг ҳажмли маълумот бера олиш мумкин.</p> <p>2.Дарсни катта гуруҳларда қўллаш қийинчилик тўғдирмайди.</p> <p>3.Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёни ва аудитория юқори даражада назорат қилиниши.</p>	<p>1.Қандай натижага эришиш кўпинча ноаниқ.</p> <p>2.Мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш кўникмаси ривожланишига имкон яратмайди.</p> <p>3.Ўқув мақсадлари ва вазифалари доимо аниқ қўйилавермайди.</p> <p>4.Таълим марказида ўқитувчи бўлади. Бу эса талабаларнинг бир томонлама яъни фақат тайёр билимларни ўзлаштиришгагина имкон беради.</p> <p>5.Тайёр билимлар баён қилинади. Ўқитувчи ёки талабада ижодкорлик, ташаббускорлик намоён бўлмайди.</p> <p>6.Таълим беришнинг устувор усуллари – баён қилиш ва суҳбат. Бунда талабанинг мустақил фаолият олиб бориши, фикрлашига эришилмайди.</p> <p>7.Таълим марказида фақат ўқитувчи бўлади, талабаларни фаолликка сезиларли даражада ундамайди.</p>

Энди эса юқоридаги фикрларни умулаштириб, ягона бир (қарор) хулосага келамиз: Демак, анъанавий таълимдаги ўқитувчининг тўла назорати – барча талабалар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмас экан, натижада талабаларнинг машғулотдаги пассивлигига ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасини пасайишига олиб келар экан. Аксинча, ноанъанавий таълимда янги замонавий педагогик технологияни таълим жараёнида қўллаш орқали талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш – талабаларни кенг доирада турли ғоялар бера олиши, таълим жараёнида яққа, оммавий ва кичик гуруҳларда таҳлил этиб хулоса чиқара олиши, мантиқий фикрлашига имконият яратар экан.

Юқоридаги фикрларни айнан фарқлаш мақсадида бир диаграммага жойлаштирдим:

8-диаграмма



Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатган бўлса, янги замонавий педагогик технологиялар орқали талабалар ўзлари эгаллаётган билимларни ўзлари излаш топдилар, ўзлари мустақил фикрлайдилар, ҳаттоки қарор ёки хулосани ҳам ўзлари чиқарадилар. Ўқитувчи эса фаолиятни бошқариб, кузатиб, йўналтириб боради.

Демак, дарсинг якуний натижасида кўриниб турибдики, дарс жараёнида янги педагогик технологиялар ҳамда янги методлардан самарали фойдаланиш ҳар қандай ўқитувчи фаолияти учун фақат ва фақат қулай ва ижобий натижа бера оладиган дарс жараёнини яратишга хизмат қилар экан. Масалан, мен ўтказган дарс жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш натижасида ўқувчиларда жараёнга тезкорлик билан мослашиб ҳамда ёндошиб кета олиш, дарс давомида диққатни бўлмастик, ўз фикрларини дадиллик билан очиқ баён эта олиш ва асосли ҳимоя қила олиш, аввал ўрганган билимларини керакли вақтда тезкорлик билан хотирага келтириш, теран ва чуқур мулоҳаза юритиш, жамоа билан ҳамкорликда ишлаш билиш,

жамоадошларини ҳимоя қила билиш каби бир қанча ижобий кўникма ва қобилиятлар, хусусиятларни шакллантиришдек мақсадимнинг амалга ошишига замин яратди ва янада мустаҳкамлашга асосли хизмат қила олади деб ўйлайман. Мен дарсни кичик гуруҳларда олиб борганлигим туфайли гуруҳни тўлиқ ва ҳаққоний баҳолашга эришдим. Бу эса, ўз навбатида, янги методларнинг устуворлигидир.

Ўрганишлар ва ўтказган тадқиқотимдан келиб чиқиб, таълим тизимида янги педагогик технологияларни жорий этишда ва самарадорликка эришишда қўйидагиларга эътибор қаратишни таклиф этишим мумкин:

1. Дарсда самарадорликка эришиш учун дарсни олдиндан кетма-кетликни таъминлаган ҳолда аниқ лойиҳалаштириб олиш;
2. Ўқувчи пассивлиги ошишини ҳамда чалғишини таъминловчи асосий унсур бўлиб ҳисобланган дарс давомида кетма-кетликни бузилишига йўл қўймаслик, узлуксизликка қатъий риоя қилиш;
3. Тузилган режани маромига ва якунига етказишда батартиб ёндошиш;
4. Лойиҳа асосида дарснинг якунига олиб боришга улгуриш;
5. Ҳар бир технологиянинг ўз қонун-қоидасига қатъий риоя қилиш;
6. Илғор тажрибаларни ўрганиб, ижодий ёндошган ҳолда фаолиятга тадбиқ этиш.

Хулоса

Бозор иқтисодиёти шараоитида мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ошиб бориши жамиятимиз ижтимоий соҳасининг марказида бўлган таълим–тарбия тизимида ҳам туб ислоҳотлар юз беришига олиб келди. Ўқувчи ва талаба ёшлар таълим–тарбиясини такомиллаштириш, уларга берилаётган таълим мазмунини кенгайтириш, лозим топилганда янгилаш, чуқурлаштириш ва бойитиш ҳамда таълим узлуксизлигини таъминлаб бериш учун янгидан-янги қонунлар ва ҳужжатлар қабул қилинмоқда, таълим тизимига кириб келган замонавий педагогик технологияларнинг янада самарадорлик натижаларини берувчи янги усуллари яратилмоқда. Янгича ёндошув, янгича фикрлаш асосида ўқитиш жараёнида билим олувчиларнинг ўқув-билув фаолиятининг самарали шакл ва услубларини жорий этиш, ўқув-тарбия жараёнларини илмий ва методик жиҳатдан мукамал ташкил этиш бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳамда ертанги кун таълим самарадорлигининг энг юқори чуққисига эришишда муваффақиятлар гаровидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш..., таълим –тарбия тизимини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш» ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир¹.

Мен олиб борган изланишлар моҳиятига ҳам ушбу масалалар асос бўлди. Мен «Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнес мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» мавзусида битирув малакавий ишимни ёзиб тугатдим.

БМ ишимнинг мақсадидан келиб чиқиб тадбиркорлик ва кичик бизнесни ўқитишда янги педагогик технологияларнинг ўрни ва самарадорлиги ўрганиб чиқилди, ундаги ютуқ ва камчиликлар аниқланди. Янги педагогик технологияларнинг ташкилий-услубий ва илмий назарий жиҳатлари асослаб берилди ва яхлит тизим ишлаб чиқилди.

I бобим «Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг методологик муаммолари» деб номланади. Бу бобни ёзишда асосан тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг бугунги кундаги Ўзбекистон шароитидаги ҳолати ҳамда халқаро миқёсидаги аҳамияти, тутган ўрни, мазмуни-моҳияти тавсифи, белгилари, шакллари, устувор йўналишлари ва долзарблигини ўргандим. Ўзбекистонда давлат сиёсати даражаси бўлган тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг салмоғини ошириш ва янада ривожлантириш муаммоларини ўрганишда Президентимиз И.А.Каримовнинг қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий, маънавий асарлари, йил яқунларига бағишланган маърузалари чуқур ўрганиб чиқилди ва БМ ишимнинг биринчи бобига асос бўлди.

1. И.А.Каримов «Ўзбекистон конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган маърузаси. Тошкент. «Халқ сўзи» 2009 йил 6 декабр.

II бобим “Таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти” деб номланади. Бу бобни ёзишда таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг назарий асослари ва тутгган ўрни, ҳозирги даврда янги педагогик технологияларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги роли, янги педагогик технологияларга қўйилган талаблар ва уларни амалиётга тадбиқ этиш тамойиллари каби масалаларга эътибор қаратилди.

III бобим “Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик ва кичик бизнес” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялар қўллаш” деб номланади. Бу бобда асосан Касб-хунар коллежларида иқтисодий фанлар қаторида тадбиркорлик ва кичик бизнес асосларини ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялар ёрдамида амалиётда қўллаш тажрибаси, унинг ютуқ ва камчиликлари, янги педагогик технологияларни жорий этиш йўллари ва воситалари ҳамда қўллаш самарадорлигига эътибор қаратдим. Мазкур бобда янги замонавий технологиялар ва педагогик методлардан фойдаланган ҳолда дарс ўтганлигим, унинг афзалликлари ва камчиликлари, унинг самарадорлиги ва тадқиқотнинг натижалари ёритиб берилган.

Тадқиқот ишимда янги педагогик технологиялар назариясининг моҳияти, унинг шаклланиши ҳамда афзалликлари, таълим жараёнининг истиқболини таъминлашдаги муҳим ўрни ва роли, шунингдек, янги педагогик технологияларни таълим жараёнига (тадбиркорлик ва кичик бизнес асосларини ўқитишга) тадбиқ этиш шартлари хусусида тушунча беришга ҳаракат қилдим.

Ўрганишлар асосида, таълим тизимида янги педагогик технологияларни жорий этишда қўйидагиларга эътибор қаратишни таклиф этиш мумкин:

1. Янги мукамал, менталитетдан келиб чиққан ҳолда янги педагогик технологиялар ишлаб чиқиш;
2. Янги педагогик технологияларни қўллаш борасида педагоглар ўртасида тажриба алмашадиган махсус давра суҳбатлари (ўқув муассасасининг ўзида ва балки бошқа муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда), махсус ўқув курсларини ташкил этиш;
3. Педагогларнинг самарали фаолият олиб боришларида асос бўлиб хизмат қиладиган янги педагогик технологияларнинг бориш кетма-кетлиги ёритилдиган махсус мултимедиалар кўринишидаги электрон ўқув қўлланмалар яратиш.
4. Педагоглар учун энг самарали янги педагогик технологиялар, янги методлар ва энг сўнгги жаҳон ҳамда мамлакат миқёсидаги таълим янгиликлари, маҳоратли педагоглар тажрибалари ёритиб бориладиган махсус журналларни чоп этишни йўлга қўйиш ҳамда шу бугунги кунда яратилаётган янги педагогик технологиялар ва янги методларни ўзида жамлаган дарсликлар, қўлланмалар тузиш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2011
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”и Қонуни - Т.: “Шарқ”, 2001.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т.: “Шарқ”, 2001.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида»ги ҚАРОРИ. 2012 й, 28 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги янги таҳрирдаги Қонуни. Халқ сўзи газетаси. 2012 йил. 3 май. №86(5506).
6. Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тadbиркорлик тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи газетаси. 2012 йил. 27 апрел. №82(5502).
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тadbиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 15 феврал.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» давлат Дастури тўғрисида. 2011 йил 7 феврал, ПК-1474-сонли ҚАРОРИ.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
10. Каримов И.А. Асосий вазфамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз форовонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
11. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. 437 бет.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА. Тошкент – 2012. 282 бет.
13. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
14. Каримов И.А. Биз учун халқимиз ватанимиз манфаатидан улуг мақсад йук.- Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
15. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
16. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

17. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
18. Абдуллаев А. Кичик бизнесни бошқариш. Т, 2003
19. Адхамов М. Бизнес режа: қандай тузиш керак. Босқичлари усуллари. Амалиёти. –Ф., 1998.
20. Абдурахмонов М.Эргашев А. Бизнесчи бўлиш мункинми? Ф., 1997
21. Ғуломов С.С. “Тадбиркорлик ва кичик бизнес”. Т., 2002
22. Қосимов М.С., Ҳодиев Б.Ю. “Кичик бизнесни бошқариш” Т.,2003
23. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес -Т., 2001
24. Раззақов Ж. Тадбиркорлик одимлари . Т . Мехнат 1996.
25. Х.Ғозиев., Ю.Шокирова., М. Ашуров Фарғона политехника институти «Менежмент» кафедраси “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”фанидан янги педагогик технология асосида амалий машғулотлар бажаришга доир услубий қўлланма.Фарғона - 2010
26. А.Х Косимов., Ф.А Холикова. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар фанидан маърузалар матни. Тошкент 2004
27. Максумова Матлуба Арслоновна. Тадбиркорлик соҳаси иқтисодиёти ўқув қўлланма .Тошкент – 2007. 120 бет
28. Султонов Ш.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация иши. Самарқанд – 2011.
- 29.Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров, Г.Т.Минаварова, М.Ш.Халилов. «Иқтисодиёт назарияси» фанидан таълим технологияси. Услубий қўлланма «Иқтисодий таълимда ўқитиш технологиялари» сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2010, 329 бет.
30. Ишматов Қ. Педагогик технология. Маруза матни. Наманган-2004.
31. Х.Ғозиев, Ю.Шокирова, М. Ашуров. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”фанидан Янги педагогик технология асосида амалий машғулотлар бажаришга доир услубий қўлланма. Фарғона – 2010. 92 бет.
32. Фарберман Б.А. Передовие педагогические технологии.-Т.: “Фан”, 2000.
33. Б.А.Фарберман., Р.Т.Мусина., Ф.А.Жумабаева “Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари”. Тошкент – 2002.
34. Ҳ.Т.Омонов., Н.Х.Хўжаев., С.А.Мадярова., Э.У.Эшчонов “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат”. Тошкент – “Иқтисод-Молия” - 2009.240 бет
35. Ў.Қ.Толипов., М.Усмонбоева “Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари”. Т.: “Фан”-2006. 76 бет

36. Г.Н.Ахунова., Л.В.Голиш., “Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш”. Тошкент –“Иқтисодиёт”-2009. 91 бет
37. Б. Зиёмухаммедов., М.Тожиев “Педагогик технологиялар”. 2009. 35 бет
38. ХТБ “Мултимедиа умутаълим дастурларини ривожлантириш маркази”. Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар. 2008 йил. “Маърифат” 2 сон. 4 бет
39. Саидахмедов Н. “Янги педагогик технологиялар”. Тошкент – “Молия”-2003. 63 бет.
40. Р.Ишмухаммедов ва бошқалар. “Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент – “Истеъдод”- 2008. 28 бет.
41. Қурбонов Ж.М. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” услубий кўрсатма. Самарқанд -2010. 32 бет.
42. Бозор, пул ва кредит журнали 2011. №4. У. Мадраҳимов. Кичик бизнес соҳасини ривожлантириш – иқтисодий ўсишнинг асоси. 27 бет.
43. Бозор, пул ва кредит журнали 2011. №6. М. Рахимов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик макроиқтисодий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили. 22 бет.
44. Бозор, пул ва кредит журнали 2012. №1. М. Болтабоев, Ш. Отажонов. Кичик бизнес ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг ўрни. 43 бет.
45. Халқ сўзи газетаси 2010. 8 декабр, 2 бет
46. Халқ сўзи газетаси 2011. 22 январь, №16 (5183). 3 бет.
47. Халқ сўзи газетаси 2011. 8 декабр, №238 (5405). 2 бет.
48. Халқ сўзи газетаси 2012. 20 январь, №14 (5434). 2 бет.
49. www.google.uz
50. www.stat.uz
51. info@xs.uz
52. www.uza.uz
53. www.lex.uz
54. www.bpk.uz
55. www.nammpi.uz
56. www.ziyonet.uz